



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz



ТАҚДИМОТ

“ЮРТ ҚАЙҒУСИДА 365 КУН”

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси хузуридаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш марказида “Юрт қайғусида 365 кун” китоби тақдими бўлиб ўтди. Унда юртимиз зиёлилари, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, устоз журналистлар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Кундай равшанки, бугунги мураккаб глобал шароитда Янги Ўзбекистон халқаро майдондаги позициясини кучайтириб, тинчлик, тараққиёт ва ҳамкорлик йўлидаги қатъий иродасини намоён этиб келмоқда. Давлатимиз нафақат минтақада, балки дунё даражасида ишончли ва барқарор шерик сифатида мақомга эга. Ички сиёсатга келсак, “Инсон қадрини унутмай” тамойили асосида халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш, таълим, соғлиқни сақлаш тизимларини яхшилаш, инновацион ва технологик ривожланишни такомиллаштириш, бир сўз билан айтганда, юртимизда иқтисодий-ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари суъратидаги шиддат бир лаҳза ҳам сусайгани йўқ.

Тақдимида таъкидланганидек, кўз ўнгимиздаги бу ўзгаришлар давлат раҳбарининг юртпарварлик, халқпарварлик туйғуси, фидойилиги, матонатли меҳнати, ҳаётий, халқчил ташаббуслари ҳосиласи эканини барчамиз яққол ҳис қилиб турибмиз. Ўзбекистон журналистлари уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Шухрат Ориф, “Янги Ўзбекистон” ва “Правда востока” газеталари бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Салим Дониёров, Республика маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасанов, Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири, устоз журналист Аҳмаджон Мелибоев, Кинематография агентлиги бош директори Шухрат Ризаев, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти

университети ректори Шухрат Сирожиддинов ва бошқалар мамлакатимизда кечаётган ислохотлар ортга қайтмаслиги, улар ҳар бир юртдошимиз турмушида акс этаётганига урғу бердилар.

“Юрт қайғусида 365 кун” номи китобда Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил давомидаги серқирра фаолияти, давлат бошқаруви, халқаро дипломатия, иқтисодий ислохотлар, экологик барқарорлик, ижтимоий ҳимоя, илм-фан, таълим ва маданият соҳаларида амалга оширган ишлари таҳлилий шарҳлар ва фотолар билан асосида жамланган бўлиб, муҳим сиёсий-ҳужжатли манба саналади.

Ойлар кесимида тартибланган китоб саҳифаларида иқтисодий ўсиш суъратлари, инвестицион орттириш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, “Яшил иқтисодиёт” сиёсатини кенгайтириш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда Янги Ўзбекистоннинг глобал майдондаги нуфузи ортиб бораётгани ҳақидаги муҳим факт ва далиллар келтирилган. Давлат раҳбарининг бевосита халқ билан мулоқотлари, хуудларга ташрифлари, халқаро саммит ва музокаралардаги иштироклари, стратегик шериклик алоқалари, экология, энергетика, рақамли технологиялар, муҳофаа, уй-жой сиёсати, маънавий-маърифий тараққиётга оид ташаббуслари яхлит тарихий жараён сифатида талқин этилган.

Статистик маълумотлар, таҳлилий шарҳлар, иқтибослар, халқаро муносабатларга оид фактлар, фотолар ҳамда QR-кодлар орқали тақдим этилган қўшимча материаллар нашрининг ахборот салмоғини янада оширади.

“Юрт қайғусида 365 кун” наشري кенг китобхоналар оммаси билан бир қаторда сиёсатшунослар, тарихчилар, тадқиқотчилар, халқаро муносабатлар мутахассислари, журналистлар, талаба-ёшлар ҳамда Янги Ўзбекистондаги ислохотлар жараёнларини чуқур ўрганишга қизиқувчи мутахассислар учун қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Ўз муҳбиримиз.

НУҚТАИ НАЗАР

ФАРОВОНЛИКНИНГ БОШИ



Бугун дунёда қарийб 3 миллиард инсон бирламчи яшаш шароитларидан махрум ҳолатда кун кечирмоқда. Уларнинг бир миллиарддан зиёди норасмий турар жойлар ва харобаларда яшайди, 300 миллиондан ортиқ одам эса умуман бошпанга эга эмас.

► (Давоми 3-бетда)

МУНОСАБАТ



БИРГАЛИКДА РАҚАМЛИ ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Кейинги йилларда туркий халқлар ўртасида қардошлик, яқин дўстлик ва биродарлик муносабатлари турли соҳаларда кенгайиб бормоқда. Стратегик келишувлар, олий даражадаги самимий учрашувлар асосида эришилаётган улкан ютуқлар барча туркий халқларни бирдек қувонтирмоқда, умумий бирдамлик руҳини тобора мустаҳкамламоқда.

Ўз навбатида, дунё сиёсат майдонида мамлакатларимизнинг хурмат-эътибори ошиб бормоқда. Жорий йилнинг 15 май куни Туркистон шахрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммитида Ўзбекистон Президенти томонидан муштарак мақсадларни амалга ошириш йўлида геосиёсий, иқтисодий, экологик, умумтуркий киберхавфсизлик ва ёшлар сиёсати оид янги амалий тақлифлар илгари сурилди.

Бугунги глобаллашув ва геосиёсий мураккабликлар шароитида туркий дунё интеграциясини янада кучайтириш, умумий тарихий ва маданий илдизларга таянган ҳолда ягона туркий тараққиёт маконини шакллантириш зарурлиги чуқур таҳлиллар билан асослаб берилди.

Саммит доирасида сунъий интеллект, рақамли технологиялар, киберхавфсизлик, экология ва ёшлар сиёсати каби йўналишларда илгари сурилган гоълар чуқур амалий аҳамиятга эга.

Жумладан, “Рақамли туркий коридор”, сунъий интеллект соҳасида стратегик ҳамкорлик, қўшма венчур жамғармаси ва киберхавфсизлик бўйича Туркий альянс ташкил этиш юзасидан билдирилган тақлифлар умумтарихий илдизга эга давлатларнинг нафақат бугунги, балки келажакдаги умумий тараққиёти учун ҳам муҳим платформа бўлиб хизмат қилиши табиий.

Бундан ташқари, глобал технологик жараёнларни инобатга олган ҳолда, ташкилот доирасида сунъий интеллект соҳасида стратегик ҳамкорлик тармоғини шакллантириш лозимлиги кайд этилди. Ушбу ташаббус квант ҳисоблаш технологиялари ва ягона рақамли маконни яратиш орқали иқтисодий ўсишнинг янги нуқталарини белгилашга хизмат қилиши таъкидланди.

Албатта, илғор рақамли технологиялар, сунъий интеллект бугун ҳаммамизнинг кундалик ҳаёти-мизга чуқур кириб келмоқда, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Бу соҳалар минг-минглаб янги иш ўринлари, барқарор даромад манбалари яратилишига шароит ва имконият яратмоқда. Ёшлар ўзини намоён қилиши, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун мустаҳкам платформага айланмоқда.

Демак, шундай вазиятда қардош туркий давлатлар ўртасида рақамли ҳамкорлик кенгайиши қатор ижтимоий масалаларни самарали ҳал этишга, ёш авлод ўртасида янада яқин ва фаол мулоқот муҳитини ўрнатишга катта йўл очади.

Саммитда кўтарилган масалалар нафақат сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан, балки қонунчилик ва институционал ривожланиш йўналишида ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Ягона рақамли туркий макон яратишга қаратилган ташаббуслар ташкилотга аъзо давлатларнинг миллий қонунчиликларини ўзаро уйғунлаштиришни тақозо этади. Бу миллий парламентлар олдига ҳам муҳим вазифалар қўяди.

Умуман, ушбу саммит туркий давлатларнинг ўзаро ишонч, бирдамлик ва стратегик шериклик тамойилларига содиқ эканини ифодалади. Билдирилган ташаббуслар “Туркий дунё нигоҳи – 2040” концепциясида белгиланган мақсадларга эришишда муҳим қадам бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари.

ПАРЛАМЕНТДА



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ МЕХАНИЗМИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Анъанавий тарзда кун тартибидан ўрин олган масалалар кетма-кетлик асосида кўриб чиқилди.

Одатга кўра мажлисда депутатлар ўзи сайланган партия электорати, сайловчилар манфаатларидан келиб чиқиб саволлар берди.

► (Давоми 2-бетда)

ПАРТИЯ ТАШАББУСИ

ЭШИТИЛГАН ҲАР БИР МУАММО ҲАЛ ЭТИЛИШИ ЗАРУР



4

НИГОҲ

ЗАМОНАВИЙ ДУНЁ ВА АЁЛ

БУХОРОДА ОСИЁ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ II ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ



6

БУНЁДҚОРЛИК

САМАРҚАНДНИНГ ЯНГИ МЎЪЖИЗАВИЙ ДУРДОНАСИ



7

ПАРЛАМЕНТДА

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ МЕХАНИЗМИ
ТАКОМИЛЛАШАДИ

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

Таклиф этилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар учун изоҳ сўради. Табиийки, қизғин муҳокамага сабаб бўлган лойиҳалар учун кўпроқ вақт талаб этилди.

Шундай қилиб, ялпи мажлисда жамиятимиз учун керакли ва муҳим қонунлар, ташаббуслар муҳокама этилди.

НИЗОСИЗ ТАЛАБЛАРНИ
ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБЛАРИ
ОСОНЛАШАДИ

Мажлисида дастлаб низосиз ишларни ҳал этиш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал кодекслардаги суд буйруғи тартибиде кўриладиган айрим низосиз талабларга оид ишлар доираси қайта кўриб чиқилмоқда. Қонун лойиҳаси, энг аввало, низосиз ишларни кўришни осонлаштиришга қаратилган.

Жумладан, энди ижара тўловлари, кўп квартиралар уйларидаги жойларнинг мулкдорларидан мажбурий бадаллар ва тўловлар, коммунал ва алоқа хизматлари бўйича қардорликни ундириш билан боғлиқ талабларнинг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваридан кўп бўлган тақдирда суд томонидан буйруқ тартибиде кўриб чиқилади. Мазкур миқдордан кам бўлган низосиз талабларга доир ишлар эса нотариуслар томонидан кўриб чиқилади.

Лойиҳа билан "Давлат божи тўғрисида"ги қонунда ижро хатларини ёзиб берганлик учун ундирилган сумманинг миқдори нотариус томонидан бундай нотариал ҳаракатни амалга оширганлик учун сарфланган ҳақиқий харажатлар миқдорига мувофиқлаштирилмоқда.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИНИ
МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ –
МУҲИМ МАСАЛА

Мажлисида давлат чегарасини муҳофаза қилиш ва унинг дахлсизлигини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Лойиҳага мувофиқ, ер остида ноқонуний барпо этилган иншоотлар, туннеллар ёки бошқа инфра-тузилма объектларидан фойдаланган ҳолда содир этилган божхона қонунчилигини бузиш ҳолатлари оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланмоқда.

Шунингдек, бундай иншоотлар ва туннеллар орқали қонунга ҳилоф равишда чет элга чиқиш, Ўзбекистон Республикасига кириш ёки давлат чегарасини кесиб ўтиш ҳолатлари учун ҳам жавобгарлик кучайтирилган.

Қонун лойиҳасида давлат чегараси орқали ер остида ноқонуний иншоотлар ва туннеллар қурилишига ёки бошқа инфратузилма объекти барпо этилишига била туриб шарт-шароит яратиш, улардан фойдаланиш, шунингдек, ушбу фаолиятни молиялаштириш учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгиланмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

ЯНГИ ТИЗИМ
ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

Мажлисида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини халқаро стандартлар асосида янада мустаҳкамлаш, уларнинг одил судловдан тўлиқ ва тенг фойдаланишини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини манзилли ва самарали ташкил этиш назарда тутилмоқда. Хусусан, лойиҳада "Ижтимоий реестр"га киритилган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ягона механизминини жорий этиш таклиф қилинмоқда.

Унга мувофиқ, ижтимоий хизматлар, нафақалар, имтиёзлар



ва бошқа кафолатлар "Ижтимоий реестр"га киритилган оилаларга тақдим этилади. Бундан ташқари, Солиқ кодексига ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлашни рағбатлантирувчи қатор имтиёзлар киритилмоқда. Жумладан, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган юридик шахслар учун ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз этиб белгиланмоқда. Ногиронлиги бўлган ходимларга ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ айрим харажатларни солиқ базасидан чегириш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар меҳнат қилаётган корхоналар учун мол-мулк ва ер солиғи бўйича қўшимча енгилликлар берилиши таклиф қилинмоқда. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ҳудудий бўлинмаларига ортиқча тўланган нафақаларни ундириш юзасидан судга мурожаат қилишда давлат божини тўлашдан озод қилиш белгиланмоқда.

Мажлисида қайд этилганидек, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ундаги нормалар депутатлар берган таклифлар асосида такомиллаштирилган.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан ижтимоий ёрдам ва хизматларнинг манзиллиги таъминланади, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари учун қўшимча имкониятлар яратилади.

Қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

"ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ
ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ
ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ
ҚОНУНГА ЎЗГАРТИРИШ
КИРИТИЛМОҚДА

Мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 14-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси истеъмолчиларнинг қонуний маффаатларини янада ишончли ҳимоя қилиш, айниқса, нуқсонли товарларни алмаштириш жараёнидаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишга қаратилган.

Қайд этилганидек, амалдаги қонунчиликда нуқсонли товарни алмаштириш жараёнида товар сифатига қўшимча текшириш асослари ва тартиб-таомиллари аниқ белгиланмаган. Бу айрим ҳолатларда товарни алмаштириш муддатининг асоссиз чўзилишига, натижада эса истеъмолчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Қонун лойиҳаси билан "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 14-моддаси тегишли нормалар билан тўлдирилмоқда. Унга кўра, истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқарилиши, тузилиши ёки таркибига оид камчиликларни аниқлашга тақдирда, сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи айнан шундай марказли товар мавжуд бўлса, уни дарҳол алмаштириб бериши шарт бўлади. Амалдаги тартибга кўра 7 кун ичида алмаштирилиши белгиланган.

Лойиҳада қўшимча текшириш ўтказиш асослари ҳам аниқ белгилаб қўйилмоқда. Жумладан, товардаги нуқсонлар истеъмолчига товар реализация қилинганидан кейин сақлаш ёки фойдаланиш қонидарининг бузилиши ёхуд ўқинчи шахсларнинг харажатлари натижасида келиб чиққан бўлиши

мумкинлигини ташқи кўринишидан аниқлаш имкони бўлмаган ҳолатларда қўшимча текширув ўтказилади.

Махсулот сифатига қўшимча текшириш билан боғлиқ харажатлар сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи томонидан қопланади. Бироқ текшириш натижасида товарда нуқсон мавжуд эмаслиги ёки нуқсон истеъмолчининг қондаларни бузиши ёхуд учинчи шахслар ҳаракати оқибатида келиб чиққанлиги аниқланса, ушбу харажатлар истеъмолчи томонидан қопланиши белгиланмоқда.

Ҳужжатда истеъмолчининг ҳуқуқлари ҳам аниқ белгилаб қўйилмоқда. Хусусан, у шахсан ёки ўз вакили орқали товар нуқсонининг келиб чиқиш сабабларини текшириш жараёнида иштирок этиш, текширув вақти ва жойи ҳақида олдиндан хабардор қилиниши ҳамда ўз маблағлари ҳисобидан мустақил текширув ўтказиши талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

ШАХСГА ДОИР
МАЪЛУМОТЛАР:
РАТИФИКАЦИЯ ЛОЙИҲАСИ
МУҲОҒАЗАДА

Мажлисида "Шахсга доир маълумотлар алмашинуви соҳасидаги маъмурий масалалар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда Битими (2020 йил 18 декабрь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Битимга мувофиқ ҳар бир томон бошқа томоннинг сўровига кўра миллий қонунчилик ва ушбу Битим қоидаларига кўра шахсга доир маълумотлар алмашинуви соҳасидаги маъмурий масалалар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади.

Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги сўровнинг предмети бўлиб фуқароликнинг мавжудлиги, томонлар ҳудудларида доимий (вакцинчаллик) бўлиш (яшаш) ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар мавжудлиги, шахсларнинг миграция рўйхатида олиниши ёки яшаш бўйича ҳуқуқига олинганлиги, шахс номидаги рўйхатга олинган кўчмас мулк ва шахсларнинг мулкий хусусиятдаги мажбуриятлари, шахснинг жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортилганлиги тўғрисида, шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар шахсга доир маълумотлар ҳисобланади. Сўровлар сўралаётган томоннинг миллий қонунчилиги ва мазкур Битим қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА
НАЗОРАТИ ҚАЙ ДАРАЖАДА
БАЖАРИЛМОҚДА?

Маълумки, шу йилнинг апрель ойи охирида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Ш.Хидоятовга "Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларига шаҳарсозлик фаолияти субъектлари томонидан ривож этилиши устидан давлат архитектура назоратини амалга ошириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида"парламент сўрови юборилган эди. Йиғилишда депутатлар ушбу сўровга берилган жавобни ҳам кўриб чиқишди.

Унда келтирилишича, давлат архитектура назоратини самарали амалга ошириш мақсадида 2025 йилда вазирилик марказий аппаратида Давлат архитектура назорати

департаменти ташкил этилган. Утган давр мобайнида департамент томонидан муайян ишлар амалга оширилган.

Департамент томонидан 2025 йил якунига қадар 640 та, жорий йил ҳолатига 520 та, жами 1160 та ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоот аниқланган. Шундан, 1110 та объектга огоҳлантириш хати берилган ва маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланган. 118 таси ҳозирги кунда бартараф этилган бўлса, 65 таси бўйича мажбурий буздириш ҳақида судга даъво аризаси киритилган.

Парламент сўровига келган жавобда қайд этилганидек, Давлат архитектура назорати департаменти ҳамда туман ва шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари ходимлари 232 та махсус планшет воситалари билан таъминланган. Шунингдек, вазирилик томонидан ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотларни аниқлаш, бартараф этишда жамоатчилик иштирокини самарали ташкил этиш мақсадида "Огоҳ фуқаро" ахборот тизими яратилган бўлиб, у орқали ўзбошимчалик билан қурилиш олиб борилаётган ҳолатлар тўғрисида хабар бериш имкони мавжуд.

Депутатлар ушбу йўналишда вазирилик томонидан муайян ишлар амалга оширилгани, шу билан бирга, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, ноқонуний қурилишларнинг олдини олишда профилактик ва превентив чораларни кучайтириш, "Огоҳ фуқаро" ахборот тизимини янада оммалаштириш юзасидан тегишли тавсиялар берди.

Мажлисида мазкур масала юзасидан тизимли парламент назорати олиб борилиши қайд этилиб, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИГА
ЖАВОБИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Мажлисида ички ишлар вазирининг "Автомобиль йўлларидаги фото ва видео қайд этиш техника воситаларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдаги самарадорлиги ҳамда йўл ҳаракати соҳасига ахборот технологияларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги парламент сўровига жавоби ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Маълумки, Қонунчилик палатаси депутатларининг сайлов округларида фуқаролар билан ўтказилган мулоқотлари ва учрашувлари давомида транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан содир этилган қоидабузарликларни аниқловчи фото ва видео қайд этиш техника воситалари ҳамда кўчма фоторадарларнинг фаолияти, сунъий йўл нотекисликларини ўрнатишда белгиланган стандартларга риоя этилмаётгани борасида келиб тушган айрим эътирозлар асосида ички ишлар вазирига парламент сўрови юборилган эди.

Вазирилик маълумотига кўра, 2022–2025 йилларда йўл чизикларини чизиш, йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларини ва йўл инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун 978,3 млрд сўм маблағ йўналтирилган. Ушбу давр мобайнида 78 844 та янги йўл белгилари ўрнатилиб, 49 380 та йўл белгилари янгибига алмаштирилган ҳамда 1 081 та светофор объекти янги-



ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ
БИЛАН НОГИРОНЛИГИ
БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ
ҲУҚУҚЛАРИНИ ХАЛҚАРО
СТАНДАРТЛАР АСОСИДА
ЯНАДА МУСТАҲКАМ-
ЛАШ, УЛАРНИНГ ОДИЛ
СУДЛОВДАН ТЎЛИҚ ВА
ТЕНГ ФОЙДАЛАНИШИНИ
ТАЪМИНЛАШ,
ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИ-
ЗИМИНИ МАНЗИЛЛИ
ВА САМАРАЛИ ТАШКИЛ
ЭТИШ НАЗАРДА ТУ-
ТИЛМОҚДА. ХУСУСАН,
ЛОЙИҲАДА "ИЖТИМОЙ
РЕЕСТР"ГА КИРИТИЛГАН
ОИЛАЛАРНИ ДАВЛАТ
ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАШНИНГ ЯГО-
НА МЕХАНИЗМИНИ ЖО-
РИЙ ЭТИШ ТАКЛИФ
ҚИЛИНМОҚДА.

дан қурилган. Шунингдек, 20 млн 728 минг кв.м йўл ётиқ чизиқлари чизилган.

Ҳозирги кунда республика бўйича 5 425 та фото ва видео қайд этиш техника воситалари ўрнатилган. Бунда йўл-транспорт ҳодисалари кунлик, ҳафталик, ойлик, чораклик, йиллик горизонтал ва вертикал шаклдаги таҳлиллар асосида, шунингдек, ҳаракат интенсивлиги, йўл инфратузилмаси ҳолати, пиёдалар ва транспорт оқими юқори бўлган ҳудудлар ўрганилган ҳолда, аҳоли мурожаатлари ҳамда мутасадди ташкилотларнинг ҳулосалари каби омилар инобатга олинган.

Натижада жорий йилнинг тўрт ойида йўл-транспорт ҳодисалари 17,7 фоизга камайишига эришилган. Йўллар ва кўчаларга ўзбошимчалик билан асоссиз ўрнатилган йўл белгилари ҳамда сунъий нотекисликларни аниқлаш бўйича ўтказилган хатлов натижалари бўйича 132 та ҳаракатни чекловчи йўл белгилари ҳамда 202 та тўхташ ва тўхтаб туриш ҳақидаги йўл белгилари ҳамда 308 та сунъий нотекисликлар бартараф этилган.

Депутатлар томонидан мазкур соҳадаги ишларни изчил давом эттириш, хусусан йўл инфратузилмасини яхшилаш, фото ва видео қайд этиш қурилмалари орқали ҳуқуқбузарликларни аниқлашда хатоликларга йўл қўйилишининг олдини олиш, ноқонуний ўрнатилган сунъий тўсиқларни олиб ташлаш ишларини жадаллаштириш каби долзарб масалалар бўйича чораларни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисида мазкур масала юзасидан тизимли парламент назорати олиб борилиши қайд этилиб, вазирининг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

"Ўзбекистон овози" муҳбири
Лазиза ШЕРОВА тайёрлади

НУҚТАИ НАЗАР

ФАРОВОНЛИКНИНГ БОШИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 18 май куни Боку шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон урбанизация форуми 13-сессияси Етакчилари саммитида сўзлаган нутқида келтирилган маълумотлардир. Давлатимиз раҳбари саммитда кун тартибига қўйилган "Барча учун уй-жой: хавфсиз ва барқарор шаҳарлар ҳамда ҳам-жамиятлар" масаласи ҳар қачон-гидан ҳам долзарб эканини таъкидлади. Дунё миқёсидаги жадал урбанизация жараёни ўзи билан бирга қатор ижтимоий муаммоларни кучайтириб бораётганига эътибор қаратди.

Дарҳақиқат, Ер юзиде аҳоли сони ортаётгани сайин уйсизлар ва уйсизлик муаммоси тобора долзарб масалага айланмоқда. Мазкур муаммо ҳаттоки иқтисодий ривожланган давлатларни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Афсуски, бу борадаги прогнозлар ҳам кўнгилни хотиржам қилмайди: 2050 йилга бориб сайёраимизда уйсизлар сони уч миллиардга етиши мумкин. Уйсизлик муаммоси асосан арзон турар жойлар етишмаслиги, қашшоқлик, ишсизлик, оилаларнинг бузилиши, гиёҳвандлик каби ижтимоий-иқтисодий оқибатлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, буларни ҳал этмасдан, инсоният бахти ва фаровонлиги ҳақида ҳатто орзу ҳам қилиш имконсиз.

Энди бошдаги дўппини бир четга олиб, атрофга разм солинг. Дунёнинг қайсидир нуқталарида бошпанасиз, ҳаловат нималарни билмай яшаётган инсонлар кўпайиб бораётган ҳозирги мураккаб шароитда юртимизда бу масалада ахвол қандай?

Президентнинг юқорида келтирилган нутқида айтилган иқтисодий доир муҳим факт ва рақамларни кўришимиз мумкин.

Хусусан, Ўзбекистонда охириги ўн йилда қурилаётган уй-жойларнинг йиллик сони 10 баробар ошди, 2025 йилда 238 мингта хонадонга етгани, 2030 йилда ушбу рақамни яна 1,5 баробар кўтариш кўзда тутилаётгани баён қилинди. Бундан ташқари, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш дастурларига ҳар йили бюджетдан қарийб 2 миллиард доллар маблағ ажратилаётгани, норасмий турар жойлар муаммосини ҳал қилиш учун 2024 йилда алоҳида қонун қабул қилиниб, 100 мингга яқин уйга ҳужжат расмийлаштириб берилгани, эскирган уй-жойларни янгилаш мақсадида реновация ҳисобига қуриладиган хонадонлар улусини 15 фоиздан 60 фоизга етказиш режалаштирилаётгани эътиборга моликдир.

Бу Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатида конституциявий мажбуриятларини удралашга интилаётганини кўрсатади. Зотан, халқимиз шахсий уй-жойга эга бўлишни фаровонликнинг боши, муносиб ҳаёт кечирининг асосий шартларидан деб билади. Бош Қомусимизда ҳам ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи қатъий белгилаб қўйилганки, бу норманинг амал қилиши пировардида ҳар бир фуқаро, жумладан, ёш оилалар манфаатини таъминлаб, одамларимизнинг бугунги кундан, олиб борилаётган ислохотлардан розилик ҳиссини оширади, жамиятда ижтимоий барқарорлик таъминланади.

ҚАРИЙБ 20 МИЛЛИОН АҲОЛИ ШАҲАРЛАРДА ЯШАМОҚДА

Чиндан ҳам инсоннинг ҳаётини эҳтиёжлари, энг аввало, қулай уй-жойга эга бўлишдан бошланади. Уйнинг бўлса, ўйинг бўлмайди, дейди кўпни кўрган нурунийларимиз. Кўнгил тинчлиги, рўзгорнинг бутлиги, оиланинг, фарзандларнинг бахту камолини уй-жойсиз тасаввур қила олмайдиган халқимиз. Ҳа, қон-қонимизга сингиб кетган қадриятларга кўра, ўзини Ватан ичидеги ватан санаймиз.

Мамлакатимизда қурилиш ишлари, айниқса, уй-жой қуриш 2020 йилдан эътиборан нодавлат сектор қўлига ўтгач, аҳолининг турар жойга эҳтиёжини тўлақонли қондириш, соҳада рақобат муҳитини юзага келтириш салмоғи ортди. Айнан шу омиллар сабабли уй-жой қуриш соҳасида кузатилаётган туб ўзгаришлар самарасига бугун республикамиз шаҳар ва қишлоқ туманларида қад ростлаётган минглаб замо-



навий турар жойлар мисолида яққол гувоҳи бўляпмиз. Бугунги кунда юртимизда урбанизация даражаси 51 фоизга етгани, аниқроғи, қарийб 20 миллион юртдошимиз шаҳарларда яшаётганининг ўзи уй-жой сиёсати қанчалар дадиллик билан олиб борилаётганидан далолат беради. Ваҳолонки, 2018 йилда урбанизация кўрсаткичи 40 фоизга ҳам етмаган. Шубҳасиз, соҳадаги ислохотлар аҳолининг бандлик даражасини кўтариш ва камбағалликни қисқартириш билан боғлиқ тизимли чора-тадбирларга ҳаммоҳанг, қадам-бақадам амалга оширилмоқда.

Маълум бўлишича, яқин 15 йил ичиде мамлакатимиз аҳолиси 38 миллиондан 50 миллион нафарга, урбанизация даражаси эса 51 фоиздан 65 фоизга етиши кутилаётди. Бу эса, давлат раҳбари айтиб ўтганидек, ҳудудларимизни мутаносиб ривожлантириш ва

Натижада ўтган йиллар мобайнида 210 миллион квадрат метр бино-иншоот, 647 минг хонадонли 15 мингдан ортиқ кўп қаватли уй-жой барпо этилди. Қурилиш ишларининг ҳажми 2016 йилдаги 30 триллион сўмдан ўтган йили 314 триллион сўмга етган.

Шу билан бирга, бош режаларни ишлаб чиқиш учун бюджетдан йилга 200-250 миллиард сўм ажратилмоқда. Мазкур маблағлар, аввало, бош режаси йўқ ёки эскирган ҳудудларга йўналтирилиши лозим. Бироқ кичик шаҳар ва шаҳарчаларда ҳам йирик қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш истагида бўлган тадбиркорлар кўп бўлса-да, шаҳарсозлик ҳужжатлари йўқлиги туфайли уларнинг ишлари тўхтаб қолаётгани маълум. Мисол учун, бош режа йўқлиги важи билан 2025 йилда ерни хусусийлаштириш бўйича 112 мингта аризанинг 14 фоизи рад этилган, бу эса 4 минг



иқтисодий ўсишни таъминлаш учун ноёб имкониятдир.

ШАҲАРСОЗЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА ЧИҚАДИ

Шу ўринда қайд этиш керакки, мамлакатимизда уй-жой қурилиши ва урбанизация тизимидаги муаммоларга узил-кесил барҳам бериш, тизимда бюрократияни қисқартириш, назорат ишлари натижадорлигини ошириш, индаллоси, аҳоли учун фаровон ҳаётни таъминлаш йўлида янги ташаббуслар, илғор ечимлар илгари сурилаётди. Ёдингизда бўлса, 14 апрель куни давлат раҳбари раислигида, жойлардаги студиялар орқали 500 дан зиёд тадбиркор, қурувчи, лойиҳачи, архитектор ва урбанистлар иштирокида ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳадаги муаммолар ҳамда устувор вазифалар ўртага ташланган эди.

Статистикага кўра, сўнгги тўққиз йилда мамлакатимизда қарийб 10 мингта янги қурилиш корхонаси иш бошлаган. Айланмаси 1 триллион сўмдан ошган 20 та, 100 миллиард сўмдан юқори кўрсаткичга чиққан 365 та йирик компания шаклланди. Лойиҳа ташкилотлари сони 2 мингдан ошди, уларнинг 650 дан зиёди халқаро сертификат олган. Қурилиш соҳасида руҳсат бериш босқичлари 3 қарра, муддатлар 4 қарра қисқартирилди. Шаҳарсозлик бўйича қонунчилик нормалари ҳам давр талабларига мувофиқ такомиллаштирилди.

гектар ерни активга айлантириш имконияти ва бюджет учун қўшимча 550 миллиард сўм тушумни боё беришга сабаб бўлган.

Бош режаларни тасдиқлашда сув, канализация, иссиқлик, газ, электр тармоқлари ва йўлларнинг қачон, қайси навбатда, қандай манбалар ҳисобидан қурилиши ҳам аниқ қўйилиши шарт. Дейлик, пала-партиш уй-жойлар қуриб ташлаш биринчи галда коммунал тизимларга юкламани оширишини, бу эса таъминотда узиллишларни келтириб чиқаришини биламиз.

Шу боис, ҳар бир вилоят ҳокими қисқа вақт ичиде вилоят ва туман марказларининг тасдиқланган бош режаларини рўёбга чиқариш бўйича комплекс дастурларни яратиш, уларнинг қандай ва қай тартибда молиялаштирилиши ҳам аниқ белгилаб берилиши шарт қилиб қўйилди. Қурилиш соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомилларини рақамлаштириш ва сунъий интеллектни кенг жорий этиш масаласига диққат қаратилди.

Ҳозирги тизимда аҳоли ва тадбиркорлар уй-жой қуришда лойиҳалашга руҳсат олиш, кейин архитектура-режалаштириш топширигини ишлаб чиқиш учун алоҳида-алоҳида ариза бериб, ойнаб вақт йўқотишини тўхта-тиш мақсадида 1 июлдан бошлаб "Тошкент тажрибаси" асосида ана шу икки хизматни бир босқичда кўриб чиқиш амалиёти киритилган бўлди. Коммунал тармоқларга улашиш бўйича техник



АҲОЛИМИЗНИНГ УЙ-ЖОЙГА БЎЛГАН ТАЛАБИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИ СОҲА МУТАСАДДИЛАРИ ВА ҲОКИМЛАРНИНГ ДОИМИЙ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА БЎЛИШИ, ШУ ЙИЛНИНГ ЎЗИДА «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН» МАССИВЛАРИДА 34 МИНГ ХОНАДОН ҚУРИБ БИТКАЗИЛИШИ ШАРТ ҚИЛИБ ҚЎЙИЛДИ.

шарт олишда ҳам аҳоли ҳар бир идорага алоҳида мурожаат қилишига тўғри келаётган эди. Энди 1 июлдан битта ариза ва битта тўлов орқали электр, газ, сув ва канализация тармоқлари бўйича техник шарт олиш имкони яратилди.

Аҳолиимизнинг уй-жойга бўлган талабини таъминлаш масаласи соҳа мутасаддилари ва ҳокимларнинг доимий диққат марказида бўлиши, шу йилнинг ўзида «Янги Ўзбекистон» массивларида 34 минг хонадон қуриб битказилиши шарт қилиб қўйилди. Қурилиш давом этаётган массивларни кенгайтиришга фақат ўша ҳудуддаги квартираларнинг камида 85 фоизи эгаларига топширилганидан кейин руҳсат бериладиган бўлди.

Умуман, 2026 йилда ҳудудларда 140 минг хонадонли кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилиши кутилмоқда. Бу яна шунча оила ватани бўлиши ва уйсизликнинг ташвишларидан қутулган минглаб инсонлар турмушида хузурли, қувончга тўла кунлар бошланадиган дарақдир.

ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ШАФФОФЛАШАДИ

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида бюрократияни қисқартириш ҳамда назорат ишлари натижадорлигини ошириш юзасидан 6 май куни Президентга тақдим қилинган янги режа ва таклифлар аҳоли учун замонавий уй-жойлар, ижтимоий объектлар ва қулай инфратузилма яратишдаги муаммо ҳамда бўшлиқлар ечимига қаратилгани билан аҳамиятли.

Жумладан, эндиликда лойиҳалашга руҳсатнома ва архитектура-режалаштириш топшириғи бериш жараёни ягона ҳужжатга бирлаштирилиши, "ShaffofAI" тизими орқали ушбу жараён инсон омилсиз, автоматик тарзда амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, лойиҳа-қидирув, қурилиш-пудрат ва экспертиза ташкилотларини лицензиялашда ҳам янги тартиб жорий этилади. Бугунги кунда ариза беришда 3 тадан 30 тагача ҳужжатни иловалаш талаб этилиб, қарор қабул қилиш 14 иш кунигача чўзилмоқда. Таклиф этилаётган тизимда маълумотлар электрон базалар орқали автоматик текширилади, ҳужжат иловалаш тала-

би бекор қилинади. Лицензияни расмийлаштириш муддати 14 иш кунидан 5 дақиқачага қисқаради, қарор қабул қилиш жараёни 97 фоизга тезлашади.

Қурилиш объектларини фойдаланишга қабул қилиш жараёни ҳам соддалаштирилади. Ўтган йили бу борада берилган 20 мингдан ортиқ аризалар турли сабаблар билан рад этилган. Камчиликларни бартараф этиш учун бюротмачилар 1 ойдан 3 ойгача вақт сарфламоқда. Энди давлат объектларини фойдаланишга қабул қилишда талаб этиладиган ҳужжатлар сони 3 тадан 1 тага қисқартирилади. Техник ва муаллифлик назоратчилари хулосалари, мувофиқлик декларацияси ва бошқа маълумотлар рақамли тизимлар орқали шакллантирилади. Бу орқали объектни қабул қилиш муддати 2 ойдан 15 кунгача қисқаради.

Шу билан бирга, бинонинг мустаҳкамлиги ва ёнғин хавфсизлигига таъсир қилмайдиган архитектуравий ёки режавий ўзгаришлар сабаб объектни фойдаланишга қабул қилишни рад этиш амалиёти қайта кўриб чиқилади.

Қурилиш объектларига кузатув камераларини ўрнатиш уларни онлайн назорат қилишда қўл келади. Шу нуқтаи назардан, биринчи босқичда қиймати 3 миллиард сўмдан юқори бўлган ижтимоий соҳа объектлари, кўп қаватли уйлар, йирик савдо ва саноат объектлари, меҳмонхона ва туризм мажмуаларига камералар ўрнатиш таклифи ҳам кўпчиликнинг дилидаги гапдир. Чунки бу орқали лойиҳадан ўзбошимчалик билан четга чиқиш ҳолатларини барвақт аниқлаш, қурилиш майдонидеги ишчилар ҳисобини аниқ юритиш, "конверт" усулида мош тўлаш ҳолатларининг олдини олиш, яширин иқтисодийни қисқартириш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш имконияти кенгайди.

Қурилиш материаллари сифатини назорат қилишда таъсирчан механизмларни қўллаш айти зарурат. Ушбу мақсадда бундан бунён қурилиш объектига қиритилган ҳар бир бинокорлик материали pazorat.mc.uz платформаси орқали электрон рўйхатга олинди, сифатни тасдиқловчи ҳужжатлар мажбурий равишда тизимга юкланади. Сифатсиз материаллардан фойдаланган қурувчиларни маъмурий жавобгарликка тортиш масаласи ҳам таклиф этилди. Узок ҳудудлардаги қурилиш массивлари учун кўчма қурилиш-синов лабораторияларининг ташкил этилиши объектлар қамровини икки баробар ошириб, синов натижаларини тезкор аниқлаш ва стандарт талабларига риоя этилишини кафолатлайди.

Соҳадаги мана шундай ўзгариш ва янгиланишлар битта ҳақиқатни – Ўзбекистонда уй-жой қурилиши ва шаҳарсозлик ишлари том маънода юқори босқичга чиқаётганини аниқлатади. Узокни кўзлаб олиб борилаётган ислохотлар аҳоли учун қулай, инфратузилмаси йўлга қўйилган, экологик хавфсиз ва замонавий уй-жойлар таклифини сезиларли оширишга, одамларимиз ҳаётининг узвий ҳамда ажралмас қисми бўлган уй-жой сиёсатида халқпарварлик тамойилининг қарор топишига хизмат қилади.

Фарида МАҲҚАМОВА, "Ўзбекистон овози" муҳбири.

ПАРТИЯ ТАШАБУСУ

ЭШИТИЛГАН ҲАР БИР МУАММО

ҲАЛ ЭТИЛИШИ ЗАРУР

Ҳеч ким бегона эшикни шунчаки тақиллатмайди. Давлат ёки жамоат идорасига, депутат қабулига келган ҳар бир инсоннинг ўзига яраша гапи, ташвиши ёки муаммоси бўлади.

Кимдир ёрдам сўраб келади, кимдир ҳақини талаб қилади, кимдир эса адолат излаб мурожаат қилади.

Бугунги кунда мурожаатлар билан ишлаш тизими очиклик ва шаффолик тамойиллари асосида такомиллашди. Одамларнинг дарди эшитилаяпти, муаммоларига эътибор қаратиляпти.

Ҳар бир мурожаатга алоҳида ёндашиш, уни ўрганиш ва ечим топишга ҳаракат ҳужжатлар билан эмас, балки инсон ҳақри билан ишлаш тизимига айланиб бормоқда. Энг муҳими, одамлар ўз фикри ва муаммосини турли электрон платформалар орқали ҳам бемалол етказиш имконига эга бўлди. Бу эса аҳоли билан мулоқотни янада яқинлаштириб, муаммоларни тезкор ҳал этишга хизмат қилмоқда. Шу тарихи мурожаатлар билан ишлаш фақат ҳужжатлар билан эмас, балки инсон ҳақри билан ишлаш тизимига айланиб бормоқда.

Айтиш керакки, партиямиз ташкилотлари ва депутатлари ҳам бу жараёнда фаол иштирок этмоқда. Маҳаллий Кенгашларга келаётган мурожаатлар пухта ўрганилиб, уларни ҳал этиш бўйича амалий чоралар кўрилмоқда.

Энг муҳими, мурожаатлар билан ишлашда партиямиз ташаббуслари ортиб бораётгани аҳоли билан мулоқотни янада кучайтириш, муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга амалий ечим топиш имкониятларини кенгайтирмоқда.



МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ БЎЙИЧА "ЙЎЛ ХАРИТАСИ" ТАСДИҚЛАНДИ

Яқинда Ўзбекистон ХДП ҳудудий ташкилотларидаги Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг аҳоли мурожаатлари билан ишлашда депутатлик ва жамоатчилик назоратини ташкил этишга оид "Йўл харитаси" тасдиқланди.

Мақсад – аҳолини қийнаётган тизимли муаммоларни ўрганиш ва самарали ҳал этишда партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳларининг масъулиятини янада ошириш, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш жараёнида жамоатчилик қабулхоналари, депутатлик ва жамоатчилик назорати механизмларидан кенг ва самарали фойдаланишни таъминлашдан иборат.

Сирожддин ШОНАЗАРОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи:

– Мурожаатлар билан ишлаш — бу оддий иш эмас, бу инсонга эътибор, уни тушуниш ва унга ёрдам бериш демакдир. Агар инсоннинг гапи эшитилса, у рози бўлади. Рози одам эса жамиятга ҳам ишонч билан қарайди. Шунинг учун ҳеч бир мурожаатга эътиборсиз қарашга ҳаққимиз йўқ.

Халқ демократик партияси тизимида бугун айнан шундай инсонпарвар ёндашув устувор. Жамоатчилик қабулхоналари, сайёр учрашувлар ва депутатлик сўровлари орқали минглаб фуқароларнинг масалалари ҳал этилмоқда.

Партия фаоллари ва депутатлар жойларда, аҳоли ичида, чекка қишлоқларга бориб, одамларнинг мурожаатларини тинглаяпти. Сайёр қабуллар, кўчма жамоатчилик қабулхоналари орқали уйма-уй юриб, сайловчилар билан учрашиш, уларнинг муаммоларини жойида ҳал этиш аниқлашга айланди.

Келинг, дастлаб фаолиятимизга доир амалий ишларга тўхталамиз. Ўзбекистон ХДП ҳудудий кенгашлари қошида ташкил қилинган Жамоатчилик қабулхоналарига



2026 йилнинг январь-апрель ойлари давомида фуқаролардан 3496 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг 669 таси уй-жой, ер ва коммунал соҳа билан боғлиқ, 336 таси соғлиқни сақлаш, 439 таси аҳоли бандлиги, 268 таси пенсия ва ижтимоий нафақа таъминотига оид масалалардир. 3082 та мурожаат ижобий ҳал этилди. Қолганлари назоратимизда турибди.

Албатта, бу рақамлар халқни нима ўйлантираётгани, жойларда қайси соҳаларда муаммолар кўпроқ эканини яққол кўрсатади.

Шундан келиб чиқиб, мурожаатлар билан ишлаш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланди. Унда аҳоли мурожаатларига сабаб бўлаётган тизимли муаммолар, уларни ҳал этиш чора-тадбирлари бўйича 10 та банддан иборат аниқ вазифалар белгилаб берилган.

УМУМАН ОЛГАНДА, "ЙЎЛ ХАРИТАСИ" АҲОЛИНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН РЕАЛ МУАММОЛАРНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ҲАЛ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН АМАЛИЙ ҲУЖЖАТ ҲИСОБЛАНДИ.

ёрдамга бўлган эҳтиёж ортиб бораётган шароитда ажратилаётган лимитларнинг чекланганлиги масаласи ҳам кўтарилган. Шунингдек, ёшларни касбга йўналтириш ва уларни доимий иш билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

Умуман олганда, "Йўл харитаси" аҳолини ўйлантираётган реал муаммоларни босқичма-босқич ҳал этишга қаратилган амалий ҳужжат ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, белгиланган ушбу чора-тадбирлар муаммони ҳал этиш, одамларнинг оғирини енгил қилиш учун муҳим дастурамал, деб бемалол айтишимиз мумкин.

ҚАШҚАДАРЁДА АМАЛИЙ СЕМИНАР

Ўтган ҳафтада Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташаббуси билан Қарши шаҳрида "Аҳоли мурожаатлари билан ишлашнинг амалий механизмлари" мавзусида ўқув-амалий семинар ўтказилди.

Унда фуқаролар мурожаатларини самарали ҳал қилиш, аҳоли кўтараётган тизимли муаммоларни мутасадди идоралар билан ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда қисқа муддатларда бартараф этиш, бу борада ҳисобдорликни ошириш масалалари ҳақида таҳлилий фикр алмашилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Халқ демократик партияси фракцияси, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари Қарши шаҳрида Халқ қабулхоналарига тушган мурожаатларга тез ва натижалӣ ечим топиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида касб-хумлик ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарларининг ахборотларини тинглади.

Таҳлиллар кўрсатишича, Қарши шаҳридаги ўтган йилги 11 мингга яқин мурожаатларда кўтарилган қатор оилавий-ижтимоий муаммоларнинг асосий сабаби барқарор даромад манбаига эга эмаслик, иш топишдаги мураккабликлар ва ишончли касб-хумларнинг йўқлиги билан боғлиқдир.

Шунинг учун ҳокимлик масъул ташкилотлар билан биргаликда ишсизларни ҳудуддаги саноат ва сервис корхоналаридаги вакант ўринларга жойлаштириш, хорижда ишлаш истагида бўлганлар билан уч томонлама шартнома тузиб, уларни касб ва тилга ўргатиб, юқори даромадли ишга юбориш чораларини кўраётгани маълум қилинди.

Амалий семинарда соҳалар кесимида мурожаатларни ўрганиш ва ҳал қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Олим РАВШАНОВ, ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси:

– Мурожаат қилиш фуқароларнинг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан биридир. Эътибор билан кўриб чиқсак, уларда нафақат муаммолар, балки одамларимизнинг кайфияти, шарт-шароити, олиб борилаётган ислохотларга муносабати ҳам акс этади. Демак, мурожаатга эътиборсиз қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Кўп қаватли уйларида аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш ва коммунал соҳадаги муаммоларни ўз вақтида бартараф қилиш масаласи бугунги кунда

долзарб масалалардан бири. Қарши шаҳридаги 35 минг хонадонли 930 та кўп қаватли уйларида 40 та бошқарув-сервис компанияси хизмат кўрсатади. Компаниялар хизматидан қониқмасдан норози бўлиб юборилган шикоятлар сони кўпайган.

Шундан келиб чиқиб, энг кўп мурожаат тушган маҳалларда аҳоли ва бошқарув компаниялари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Уларда мавжуд муаммолар бевосита муҳокама қилиниб, уларни жойида ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. Бу эса аҳоли билан очик мулоқотни йўлга қўйиш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фуқароларнинг муаммоларини фақат қайд этиш билан чекланиб қолмасдан, уларни чуқур ўрганиш ва амалий ечимлар топишда маҳаллий депутатларнинг ўрни ва масъулияти жуда муҳимдир. Бу жараёнда депутатлар қатъий позицияга эга бўлиб, аҳоли манфаатларини изчил ҳимоя қилиши зарур.

Мурожаатларни тизимли таҳлил қилиш, улар асосида комплекс чора-тадбирлар белгилаш, айниқса, партия фаолияти учун катта аҳамият касб этади. Чунки ҳар бир мурожаат ортида реал ҳаётини муаммо ётади.

Айниқса, бандликни таъминлаш, ишга жойлаштириш, қонуний имтиёزلардан фойдаланиш бўйича ҳудудларда ишлар тўғри ва самарали йўлга қўйилса, тақрорий ва ўхшаш мурожаатлар сони ҳам сезиларли даражада камаяди. Бу эса ўз навбатида аҳоли муаммоларини тизимли ҳал этишга, жамиятда ишонч ва қониқш муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қайд этилдики, бугунги кунда Қашқадарё вилоятидаги Кенгашларда Халқ демократик партиясининг 92 нафар депутати 16 та партия гуруҳига бирлашиб фаолият олиб бормоқда.

Партия Жамоатчилик қабулхоналарига фуқаролардан тушган 871 та мурожаатнинг 85 фоизи масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда ижобий ҳал этилган.

Депутатлар мурожаатларни "маҳаллабай" ва "фуқаробай" тартибда ўрганаётгани, уларни ҳал этиш мақсадида мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови юбораётгани қайд этилиб, бу борада амалий натижаларни кўпайтириш юзасидан тавсиялар берилди. Хусусан, камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий масалалар бўйича реал ҳолатни таҳлил қилиш асосида сессияларга тақлифлар тайёрлаш механизмлари кўрсатиб ўтилди.

Депутатлар мурожаатларни ўрганиш ва ечим топиш жараёнида турли мутасадди идоралар вакиллари билан изчил ҳамкорлик қилиши, ўрни келганда, партия электротининг қонуний манфаатлари ҳимояси учун позиция кўрсатиши зарурлиги, мурожаатни масъул ташкилотга йўналтириб қўйиш билан чекланиш бугунги кун депутатига ярашмаслиги таъкидланди.

Фуқаролардан келиб тушаётган ҳар бир мурожаат билан тизимли ишлаш Халқ демократик партиясининг сўл қанот сифатидаги позициясини янада мустаҳкамлашда, маҳаллий давлат идораларининг қонуний ижроси бўйича, халқимиз, фуқаролар олдида ҳисобдорлиги бўйича масъулиятини оширишда ҳам қилувчи ўрин тутуши қайд этилди.

* * *

Ҳал этилган ҳар бир мурожаат — бу нафақат бир инсоннинг муаммосига ечим, балки бутун жамоа ҳаётига ижобий таъсир кўрсатадиган муҳим қадамдир. Чунки бир муаммонинг бартараф этилиши орқали атрофдаги бошқа инсонлар ҳам енгиллик сезади, ишонч ортади ва жамиятда барқарор муҳит шаклланади.

Шу маънода ЎзХДПнинг бу борадаги ташаббуслари жойлардаги долзарб муаммоларни тизимли ўрганиш, уларга фақат вақтинчалик эмас, балки барқарор ва самарали ечимлар топиш имконини яратади. Бу эса аҳоли эҳтиёжларига тезкор ва манзилли жавоб беришда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

ЖАМОАТЧИЛИК ЭШИТУВИ

Малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва инсон ҳаёти сифатини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда ҳар бир инсон ўз вақтида ва сифатли тиббий ёрдам олиши жамият тараққиётининг муҳим мезонларидан бирига айланмоқда. Шу боис тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, аввало, аҳолига қулай ва самарали хизматни кафолатлашга йўналтирилмоқда.

Айниқса, чекка ҳудудларда замонавий шифохоналар ташкил этиш, тиббий муассасаларни янги технологиялар билан таъминлаш ва малакали мутахассислар сонини ошириш орқали аҳоли учун янада кенг имкониятлар яратилмоқда. Бу эса инсонларнинг соғлигини сақлаш, касалликларни эрта аниқлаш ва ўз вақтида даволашда муҳим ўрин тутди.

Малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларининг кенгайтириш нафақат инсон саломатлигини муҳофаза қилади, балки одамларда эртанги кунга ишонччи ҳам мустаҳкамлайди. Чунки соғлом жамият — тараққиёт ва фаровонлик таянчидир.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз дастурий мақсадларида аҳоли учун малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришни ўз олдига аниқ вазифа қилиб қўйган. Партия соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда амалга оширилиши белгиланган ишларнинг ҳудудлардаги ижроси бўйича изчил ўрганиш ва таҳлиллар олиб бормоқда.

Маълумки, 2025 йил 1 июлдан бошлаб айрим туманларда синов тариқасида соғлиқни сақлаш тизимини энг илғор хорижий тажриба асосида ислоҳ қилишга қаратилган янги тизим жорий этилди. Ушбу ўзгаришлардан асосий мақсад — аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш ҳамда замонавий ва самарали бошқарув механизмларини йўлга қўйишдан иборат.

Айниқса, бирламчи тиббий-санитария ёрдами тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки

инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, аввало, касалликларни эрта аниқлаш ва ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ. Янги тизим орқали поликлиника ва оилавий шифокорлар фаолиятини кучайтириш, аҳолига қулай ва тезкор хизмат кўрсатиш имкониятлари кенгаймоқда.

Шу билан бирга, соҳага янги бошқарув тамойилларининг жорий этилиши тиббиёт муассасалари фаолиятида самарадорлик ва масъулиятни оширишга хизмат қилмоқда. Замонавий ёндашувлар, рақамлаштириш жараёнлари ва халқаро тажрибаларнинг татбиқ этилиши аҳоли учун сифатли тиббий хизматни таъминламоқда.

Партиянинг Сурхондарё вилояти кенгаши масъулари ва депутатларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан Денов туманида тажриба-синов тариқасида жорий қилинган янги модел асосида амалга оширилаётган ишлар, унинг самарадорлиги ва одамлар ҳаётига таъсири ўрганилиб, мутасадди идора ва ташкилотлар иштирокида ўтказилган жамоатчилик эшитувиди муҳокама қилинди.

Ўрганишларга кўра, бугунги кунда Денов туманида жами 33 та оилавий поликлиника мавжуд ва улар 480 954 нафар аҳолига хизмат кўрсатади. Туманда ташкил этилган 147 та тиббий бригадаларнинг барчаси тўлиқ фаолият юритиб келмоқда.

Денов тумани соғлиқни сақлаш тизими тўлиқ рақамлаштирилгани, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати яхшиланиши, тиббиёт ходимларининг билим ва кўникмаларини ривожлантириш ҳамда уларнинг меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш борасида



ТАЖРИБА-СИНОВ ТАРИҚАСИДАГИ ЯНГИ МОДЕЛ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА?

янгича ёндашувлар жорий қилинганга қайд этилди.

Шунга қарамай, айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланган. Жумладан, оилавий поликлиникалар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланмагани, мурожаат ва шикоятлар таҳлил қилинганда аҳолининг тиббий хизматлардан қониқиши етарли даражада эмаслиги, шунингдек, диагностика ва даволаш учун зарур жиҳозлар – компьютер, планшет, принтер, электрон рецепт чиқарувчи қурилмалар етишмовчилиги, аҳолини электрон рўйхатга олиш, электрон йўлланма бериш ва электрон тиббий карта тизимларига ўтиш тўлиқ яқунланмагани аниқланган.

Бундан ташқари, тумандаги барча оилавий поликлиникаларда оилавий

шифокорлар етишмовчилиги мавжуд. Бу эса аҳолига ўз вақтида ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Айниқса, беморларни қабул қилиш навбатларининг ортиши, шифокорлар юкламасининг кўпайиши ва айрим ҳолатларда тиббий хизмат сифатининг пасайишига сабаб бўлмоқда.

Ўрганишлар давомида туман аҳолиси зарур дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминланганлик ҳолатига ҳам эътибор қаратилган. Муассасада асосий дори воситалари тўлиқ эмас ва узлуксизлиги ҳам таъминланмаган. Бирламчи тиббиёт муассасаларида беморларнинг дори воситаларига бўлган эҳтиёжини қоплаш ва дори-дармон захираси етарли эмаслиги маълум бўлди.

Муҳокамаларда аниқланган муаммоларни тез ва самарали бартараф этиш учун масъул идораларнинг вакиллари билан фикр-мулоҳазалар алмашилиб, таклифлар шакллантирилди.

Эшитувда партия фаоллари, депутатлар ва мутасаддилар аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш йўлида янги моделни тўлиқ татбиқ этиш, унинг самарадорлигини янада ошириш учун ҳамкорликда ишлашга келишиб олишди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг янада сифатли ва манзилли бўлишида жамоатчилик назоратини муҳим деб билади. Шунинг учун мазкур йўналишдаги ишлар ижросини доимий ўрганиб, ҳудудлар кесимида таҳлил қилиб боради.

Ўз мухбиримиз.

ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Сурхондарё:

АҲОЛИНИНГ УЗОҒИ ЯҚИН БЎЛДИ



Бағрикенг ва саҳаватпеша юртдошларимиз кўпчиликини ташкил қилади. Ўз ҳисобидан мактаб қурган ва шифохона барпо этган инсонларни истаганча топиш мумкин. Кўприк бино қилган мададкор-у сув келтирган азизларни тез-тез эшитиб қоламиз.

Ўзбекистон ХДП Олтинсой туман кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзоси Абдуназар Нормуродов ҳам ҳам ана шундай элпарвар юртдошларимиз бири. Янгиликка интилувчанлиги ҳамда бунёдкорликларга бош бўлаётганига ҳавас қилса арзийди.

Замон билан ҳамнафас ва ҳамқадам одимлаётган халқ вакилининг ташаббуси билан яқинда “Тўхтамиш” маҳалласи ҳудудидан оқиб ўтувчи “Вахшворсой” дарёсининг янги кўприги фойдаланишга топширилди. Қўшалоқ шодиёнага айланиб кетган тантанали тадбирда сўз олганлар муҳим йўл ўтказгич пиёдалар ва ҳайдовчилар учун айна мудоа бўлганини таъкидлашди.

– Мазкур иншоот ўтган асрнинг 70-йилларида қурилган бўлиб, бугунги кун талабига жавоб беролмай қолганди, – дейди Ўзбекистон ХДП Олтинсой туман кенгаши раиси Омонтурди Авазов. – 2025 йилнинг поёнида кўпнинг дарду ташвишига айланган масала партия ташкилоти, депутатлик гуруҳи ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини масъуллари томонидан атрофлича ўрганилди. Депутатимиз Абдуназар Нормуродов Олтинсой туман ҳокимлигига сўровнома

жўнатгандан кейин қурилиш-бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Йирик лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат номижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ажратилган маблағ эвазига ўз вақтида ва сифатли амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Тегишли ҳудудга асфальт қоплама ётқизилгани янада қувонарли бўлди.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага эътибор қаратмоқчиман. Биласизми, яқин-яқингача чекка манзиллардаги ички йўллар ва кўприклар ниҳоятда абгор ҳолда бўларди. Кўпчилик ёзда чанг-ғубордан азият чекиб, қишда лўй кечгани ҳаётий ҳақиқат. Сўнгги йилларда бу борада қатор янгиланишлар кузатилди. Ўзига хос ўзгариш ва тарихий тараққиёт дилларга ҳузур бахш этмоқда. Кенг ва равон йўллар-у маҳобатли кўприклар кўпаяётгани таҳсинга сазовор. Ана шундай бекиёс бунёдкорлик ҳамда замонга мос янгиланишлар бардавом бўлсин.

– Йўл ва кўприк қурилиши ҳам вақт, ҳам маблағ талаб қилиши табиий, – дейди Ўзбекистон ХДП Олтинсой туман кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзоси Абдуназар Нормуродов. – Шунинг учун ҳам юртдошларимиз кўп йиллар қийналди. Одамлар турли айланма йўллардан юришга мажбур бўлди. Изтироблар ортада қолганидан бугун кўпчилик мамнун. Замонавий иншоот узоқ йиллар халқимизга хизмат қилишига ишонаман.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, “Ўзбекистон овози” мухбири.

Жиззах:

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДАГИ ШАРОИТЛАР ЎРГАНИЛДИ



Халқ депутатлари Фориш туман Кенгаши депутати Г.Каримова томонидан ҳудуддаги 7-сонли мактабгача таълим ташкилотига болалар учун яратилган шароитлар ҳамда таълим-тарбия жараёнларининг сифати ўрганилди.

Шунингдек, тарбиячиларнинг малакаси ҳамда болалар билан ишлаш жараёни таҳлил қилинди. Алоҳида эътибор овқатланмиш сифати ва санитария-гигиена талабларига риоя этилишига қаратилди. Ўрганиш жараёнида аниқланган камчиликлар юзасидан масъулларга тегишли кўрсатмалар берилиб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Тошкент шаҳри:

АВТОБУС БЕКАТИ ЎРНАТИЛДИ



Халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгашидаги депутатимиз Доноҳон Маҳмудова томонидан аҳоли мурожаатлари асосида олиб борилаётган тизимли ишлар амалий натижа бермоқда.

Хусусан, Чилонзор тумани Байналминал кўчасида замонавий автобус бекатини ўрнатиш бўйича фуқароларнинг мурожаати юзасидан депутат Д.Маҳмудова туман ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари номига депутат сўрови юборди.

Сўров асосида мутасадди идоралар томонидан муаммо қисқа мuddатда кўриб чиқилиб, амалий чоралар кўрилди. Яъни кўрсатилган манзилда янги автобус бекати ўрнатилди.

Натижада ҳудуд аҳолиси учун жамоат транспортидан фойдаланиш янада қулайлашди, йўловчилар учун зарур шароитлар яратилди. Аҳоли мурожаатларини ҳал этиш, уларнинг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Андижон:

МАНЗИЛЛИ ДАСТУР ИЖРОСИ ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНМОҚДА?



Халқ депутатлари Пахтаобод туман Кенгашининг тегишли қарорига мувофиқ, тумандаги 4 та маҳаллани ривожлантиришга қаратилган манзилли дастур тасдиқланган.

Ушбу қарорда “Файзобод” маҳалласида пиёдалар йўлакчаларини барпо этиш, маҳаллага ичимлик суви тармоғини тортиш, Чиртаксойбўйи, Бегобод ва Чек кўчаларининг 4 км узунликдаги қисмини асфальтлаш, ҳудудда электр таъминотини яхшилаш мақсадида 2 та янги трансформатор ўрнатиш кўзда тутилган.

Туманда фаолият олиб бораётган депутатимиз А.Мадумаров мазкур маҳаллада амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Маълум бўлишича, бугунги кунда қарор ижроси доирасида маҳалла ҳудудида пиёдалар йўлакчаларини барпо этиш ва ичимлик суви тармоғини тортиш каби муҳим инфратузилма лойиҳалари олиб борилмоқда.

Хоразм:

МАҲАЛЛАДА МУАММО БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Халқ депутатлари Хонқа туман Кенгаши депутати Ф.Вайсов тумандаги “Муқаддас” маҳалласида юзага келган муҳим экология муаммо бўйича аҳоли мурожаатини жойига чиқиб ўрганиди.

Маълум бўлишича, кўприк остида турли чиқиндилар тўпланиб қолганлиги сабабли сув оқими кескин пасайган. Аҳоли хонадонларига туташ томорқа ерларида шўрланиш кучайиб, бу фуқароларга жиддий ноқулайликлар туғдираётган эди. Ҳолат юзасидан тегишли мутасадди ташкилотларга амалий чоралар кўриш юзасидан депутат сўрови юборилди.

Натижада кўприк остида тўпланиб қолган чиқиндилар тозаланди ва сув оқими яхшиланиб, томорқа ерлари шўрланишининг олди олинди.



ЗАМОНАВИЙ ДУНЁ ВА АЁЛ

НИГОХ

БУХОРОДА ОСИЁ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ II ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ

Мунис аёл қиёфасида одатда жамият устуни бўлган оиланинг таянчи, миллатнинг тарбиячиси, чексиз меҳр ва нафосат тимсолини кўрамиз. Бироқ бугунга келиб замонавий дунёда аёл сиймосига бу чизгилар бир қадар камлик қилаётгандек. Бир томондан илм-фан, инновацион технологиялар, меҳнат бозорлари трансформацияси шиддатли ривожланаётган, бошқа томондан эса геосиёсий таҳдидлар, иқлим ўзгаришлари, камбағаллик, тенгсизлик каби жиддий муаммолар шароитида ғоятда мураккаб тус олган жаҳон майдонида бани башар улкан синовлар билан юзма-юз турибди. Инсоний қадриятлар, юксак тафаккур ва келажак авлод бахти учун масъуллиқ бу синовларни енгиб ўтиш кафолатидир. Аини жараён инсоният наслининг давомчиси – аёллардан улкан масъулиятни, фаоллиқни талаб қилаётгани шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида илгари сурилган ташаббусга кўра яхши анъанага айланиб бораётган Осие хотин-қизлар форуми шуниси билан диққатга сазоворки, у қитъамизда яшаётган 5 миллиардга яқин аҳолининг қарийб ярмини ташкил қилувчи аёлларни глобал қақриқларга самарали ечим топишда, давлат ва жамиятларни тараққий эттиришда фаол иштирок этишга чорламоқда.

Ўтган ҳафтада цивилизациялар чорраҳаси бўлган боқий ва навқирон Бухоро шаҳри Осие хотин-қизларнинг II форумига мезбонлик қилди. 20 дан ортиқ хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан юқори мартабали меҳмонлар, жумладан, БМТ Бош котиби Ўринбосари, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси ижрочи директори, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, халқаро молия институтлари, Шарқий Осие, Жануби-Шарқий Осие, Жанубий Осие ҳамда Марказий Осие мамлакатлари парламентлари аъзолари, ҳукумат вакиллари, шунингдек, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналари вакиллари ташриф буурган мазкур форум "Аёлларга инвестиция – барқарор ўсиш асоси: хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик имкониятларини кенгайтириш" мавзусига бағишланди.

Ёдингизда бўлса, роса икки йил олдин муаззам Самарқандда илк бор ўтказилган Осие хотин-қизлар форумида аёлларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтиришда минтақавий ёндашув масаласига ургу берилганди. Ушанда Самарқанд форуми қитъамизнинг етакчи аёллари учун бундай мулоқот майдонига катта эҳтиёж борлигини кўрсатган ва халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланган эди. Бухоро форуми эса бу майдонни



доимий платформага айлантириш йўлида муҳим кадам сифатида баҳоланди. Форум ишини жаҳон жамоатчилиги, халқаро эксперт ва таҳлилий доиралар катта қизиқиш билан кузатиб борди.

МУТАХАССИСЛАРНИНГ ФИКРИЧА, БУГУНГИ КУНДА ОСИЁДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ОИЛАДАГИ ВА ЖАМИЯТДАГИ МАВҚЕНИ ОШИРИШ, УЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛА-МА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ЗАЪВОРЛА ЮТУҚЛАРГА ЭРИШАЁТГАН, БОЙ ТАЖРИБАГА ЭГА ДАВЛАТЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА. АДОЛАТЛИ ИЖТМОИЙ СИЁСАТНИ ЮРИТИШ ЙЎЛИДАН ДАДИЛ БОРАЁТГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЛАРДАН БИРИ.

Икки кун давом этган форум ишида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш соҳасида мамлакатимизда олиб борилаётган тизимли ислохотлар алоҳида эътироф этилди.

Аёлга эътибор, давлат раҳбари таъбири билан айтганда, инсон шахсига, унинг қадрига бўлган юксак эҳтиромнинг олий намунаси. Шу маънода юртимизда аёлларнинг барча соҳада ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш

Олий таълим муассасалари талабалари орасида аёллар улуши кескин ортгани, жумладан, магистратурада таҳсил олаётган хотин-қизларнинг сони охириги беш йилда 11 қаррага кўпайгани чиндан фахрлинишга арзийди.

Юртимизда хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш соҳасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам салмоқли ва натижадор. Мисол учун, ўтган йилнинг ўзида 2,6 миллион нафар хотин-қизнинг даромадли меҳнат билан банд бўлишига кўмаклашилди. Ҳозирги кунда республикамиз бўйлаб



аниқ манзилли ишлар амалга оширилаётгани бунга далил. Аиниқса, охириги йилларда хотин-қизлар зўравонлигининг олдини олишга қаратилган қонунчилик тубдан такомиллаштирилгани, оилавий зўравонлик учун жиноий жавобгарлик белгилангани, зўравонликнинг ҳар қандай кўринишига ҳамда камситишларга нисбатан жамиятда муросасиз муносабат шаклланаётгани ҳаётий заруратдир.

Форум доирасида "Хотин-қизларнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш – барқарор бандлик, тадбиркорлик ва мувозанатлашган минтақавий ўсиш омили" мавзусида ўтказилган сессияда аёлларнинг меҳнат бозори ва бизнесдаги иштирокини кенгайтириш, муносиб ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, даромадлардаги гендер тафовутни қисқартириш масалалари муҳокама қилинди. Бу йўналишда минтақавий ҳамкорликни кучайтириш, самарали амалиётлар алмашинуви, қўшма таълим ва тадбиркорлик дастурларини амалга ошириш, меҳнат стандартлари ва ҳимоя механизмларига ёндашувларни уйғунлаштириш юзасидан таклифлар билдирилди.

"Илм-фан, таълим, экология, инновация ва сунъий интеллект соҳаларида хотин-қизлар: янги авлод имкониятлари" мавзусидаги сессияда эса опа-сингилларимизни, қизларимизни STEM таълимига жалб этиш, сунъий интеллект ва рақамли технологиялар соҳасида уларнинг салоҳиятини ривожлантириш, экологик ташаббуслардаги иштироки ҳамда технологиялар орқали содир этилаётган гендер зўравонликка қарши курашиш чора-тадбирлари тилга олинган бўлса, "Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояси ва ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш ҳамда рақамли муҳитда хавфсизлигини таъминлаш: барқарор ва инклюзив жамиятни шакллантиришнинг устувор йўналишлари" мавзусидаги сессияда Ўзбекистоннинг мазкур йўналишдаги пухта ёндашувга асосланган тажрибасига кўзгу тутилди.

Бундан ташқари, коррупция иллатининг аёллар иқтисодий имкониятларига таъсири, рақамли муҳитда гендер зўравонлиқнинг олдини олиш, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам фикр алмашилди. Мухтасар айтганда, параллел сессиялар ишида минтақа аёллари ҳаётини янада яхшилашга, келажак тақдирга дахлдор жиддий масалалар кўтарилди, моҳияти ва аҳамиятига кўра долзарб ташаббуслар баён этилди. Ҳар бир маърузачи ўз давлати мисолида аёлларнинг қўллаб-қувватлаш ишларининг натижадорлиги ва қамрови ҳақида қизиқарли маълумотлар берди.

БУХОРО ФОРУМИ ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ТЎСҚИЛИК ҚИЛАЁТГАН ГЛОБАЛ МИҚЁСДАГИ МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШ, ТАЖРИБА АЛМАШИШ УЧУН ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ЎЗИГА ХОС МУЛОҚОТ МАЙДОНИ БЎЛДИ.

Тадбир якунида Осие хотин-қизлар форумининг Бухоро декларацияси қабул қилинди. Аёлларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, сифатли таълим, илм-фан, технологиялар ҳамда инновациялар, рақамли кўникмаларни эгаллаш имкониятларидан тенг фойдаланишини таъминлаш зарурлиги билан боғлиқ қақриқлар ўрин олган ушбу ҳужжат қитъамизда яшаётган миллионлаб аёлларнинг ҳаётида янада яхши ўзгаришларга замин яратиши тайин.

Фарида МАҲҚАМОВА, "Ўзбекистон овози" муҳбири.



масалалари уч йил олдин янгилашган Конституциямиз, "Тараққиёт стратегияси – 2030" ва Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш Стратегияси каби концептуал ҳужжатларда ўзининг тўлиқ ифодасини топган.

Ушбу жаҳадаги амалий ишлар самараси ўларок аёлларимизнинг давлат бошқарувидаги улуши 35 фоизга, тадбиркорлик соҳасида 37 фоизга, сиёсий партиялар таркибида эса 49 фоизга етиб, Ўзбекистон бу кўрсаткич бўйича халқаро рейтингларда етакчи мамлакатлар қаторидан жой олди. Хусусан, Парламентларо Иттифоқ томонидан юритилаётган "Парламентдаги аёллар" рейтингига республикамиз 193 та мамлакат орасида 35-ўринга кўтарилди.

Ижро ҳокимияти тизимида раҳбар аёллар сафининг кенгайиши ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидаги иштирокининг ортиши давлат томонидан қарорлар қабул қилинишида инклюзивликни таъминламоқда.

минглаб эмас, юз минглаб опа-сингилларимиз тадбиркорликни йўлга қўйган.

Бинобарин, Ўзбекистон жорий йилда "Аёл, бизнес ва қонун" халқаро индексида ўз позициясини 43 поғонага яхшилаб, 190 та давлат ўртасида 48-ўринни эгаллади. Гендер тенглик соҳасида эса Ўзбекистон наинки минтақамизда, балки дунёда ўз ўрнини мустаҳкамлаётган мамлакатлар қаторида қайд этилади.

Жамиятда ижтимоий адолат ва тенглик устуворлигини қарор топтириш жараёнида давлат томонидан эҳтиёжманд қатлам вакиллари бўлган, ногиронлиги бор ва зўравонликка учраган аёллар билан ишлашга ҳам жиддий ёндашиляпти. Юртимизнинг ҳар бир туман ва шаҳарида хотин-қизларга ижтимоий, психологик ва ҳуқуқий ёрдамларни кўрсатувчи "Инсон" марказлари фаолият кўрсатаётгани, ҳар бир маҳаллада аёллар ҳамда болалар манфаатларига хизмат қилувчи

Акико ФУЖИИ, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили:

– Ўзбекистон ҳукуматини ушбу форумни ташкил этгани билан чин дилдан табриқлайман. Форумдаги асосий тадбирлар, сессиялар жуда муваффақиятли ўтди.

Бу нуфузли тадбир мазмун жиҳатдан жуда аҳамиятли. 20 дан ортиқ мамлакатнинг парламент, ҳукумат даражасидаги масъулари бир жойга жам бўлиб, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни муҳокама қилди. Бу оддий масалалар эмас, балки аёллар ҳуқуқлари, болалар манфаатлари билан боғлиқ, гендер тенглик каби глобал аҳамиятли мавзулар. Муҳими, бу борада чуқур таҳлилларни қамраб олган мулоқот майдонида муаммолар кўтарилиши билан бир қаторда уларнинг ечимлари бўйича қатъий мажбуриятлар ҳақида таклифлар ўртага ташланди.

Айтиб ўтишим керакки, Ўзбекистонда айнан шу йўналишларда салмоқли натижаларга эришилмоқда. Болалар, аёллар ҳуқуқлари ҳимояси кучайтирилди. Гендер тенгликка эришиш борасида ҳам мажбуриятлар муваффақиятли бажарилмоқда. Бу борада биз самарали ҳамкорликни йўлга қўйганимиздан мамнунмиз.

Саҳиба ГАФАРОВА, Озарбайжон Республикаси Миллий Межлиси раиси:



– Ўзбекистон Президентининг Осие хотин-қизлари II форумига йўллаган мурожаатини жуда катта мамнуният билан тингладик. Унда келтирилган рақамлар орқали шуни аниқлаш мумкинки, Ўзбекистонда аҳолининг ҳар бир қатлами, аиниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, уларнинг сиёсий соҳа ва давлат тизимидаги ўрнини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Осие кучли стратегик минтақа бўлиб, унда Ўзбекистон ўрнатқан бўлаётган етакчи давлат сифатида намоён бўлмоқда

Хотин-қизларнинг таълим олиши, аиниқса, магистратуранинг бепул бўлиши – бу катта рағбатдир. Бугун биз Осие хотин-қизлари форуми доирасидаги кўргазмада ҳам гувоҳ бўлдикки, юртингизда аёллар тадбиркорлиги анча ривожланган. Ёш қизларнинг рақамлаштириш соҳасидаги кучли стартап лойиҳалари давлат томонидан амалга оширилаётган ишларнинг ёрқин намунаси.

Диене КЕЙТА, БМТ Бош котиби ўринбосари, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) ижрочи директори:



– Осие хотин-қизлари форуми шунчаки минтақавий тадбир эмас. Бу келажакдаги аёллар етакчилигини шакллантириш, Осие ва ундан ташқарида аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш учун муҳим халқаро майдондир. Форум аста-секин аёллар ҳуқуқлари ва инклюзив ривожланиш масалалари бўйича доимий ҳамкорлик платформасига айланиб бораётгани бу соҳадаги тараққиётни жадаллаштириш учун

тажриба ва ғоялар алмашиш муҳимлигини кўрсатади. Бугунги кунда Осие мамлакатлари кенг қўламли демографик, иқтисодий, технологик ва ижтимоий ўзгаришларга дуч келмоқда. Бундай шароитда аёллар ва қизларга сармоя киритиш нафақат тўғри қарор, балки изчил ривожланиш, жамиятлар барқарорлиги ва тинчликка энг самарали сармоялардан биридир.

Мен форумни мулоқот аниқ ҳаракатларга айлана оладиган макон деб биламан. У сиёсий етакчилар, парламент аъзолари, экспертлар, халқаро ҳамкорлар, фуқаролик жамияти вакиллари, ёшлар ва етакчи аёлларни қарорлар алмашиш, ҳамкорликни шакллантириш ва амалий мажбуриятларни илгари суриш учун бирлаштиради.

Хотин-қизларга сармоя киритиш ҳар қандай давлат қилиши мумкин бўлган энг оқилона сармоядир. Аёллар ҳуқуқлари ва танлови ривожланиш сиёсатининг марказий элементига айланса, жамиятлар янада барқарор ва фаровон бўлади.

Шунингдек, мен форумнинг янги долзарб масалаларга эътибор қаратаётганини олқишлайман. Жумладан, аёлларнинг инновациялар, технологиялар ва сунъий интеллект соҳасидаги иштироки, шу билан бирга рақамли технологиялар орқали аёллар ва қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг ортиб бораётгани муҳим мавзу сифатида кўтарилмоқда. Жамиятларимиз тобора рақамлашиб бораётган бир пайтда, аёллар ва қизларнинг интернетдаги ҳуқуқлари ва хавфсизлигини таъминлаш устувор вазибалардан бири бўлиши керак. Унид қиламанки, тадбирнинг амалий натижалари минтақавий шерикликни мустаҳкамлаш, янги сиёсий мажбуриятларни қабул қилиш, аёллар ва қизларга инвестицияларни кўпайтириш, аниқ қўшма ташаббусларни ишга туширишдан иборат бўлади.

САМАРҚАНДНИНГ ЯНГИ МЎЪЖИЗАВИЙ ДУРДОНАСИ

БУНЁДКОРЛИК

Самарқанд мўъжизаларга бой замин. Аввало, бу заминдаги салкам 3 минг йиллик тарихга эга қадимий шаҳарнинг ўзи бир мўъжиза. Шу шаҳар бағрида олис зардуштийлик, юнонлар, араблар, мўғуллар даврлари билан боғлиқ Африсийёб археологик шаҳристонининг сақланиб қолгани яна-да ҳайратланарли. Шаҳарнинг турфа нуқталарида ўтмишга доир, Соҳибқирон Амир Темур, теурийлар ҳамда кейинги даврларга оид тарихий ноёб обидалар — Шоҳи Зинда, Гўри Амир, Регистон, Ҳазрати Ҳизр, Жомъе масжида, Бибиҳоним, Улуғбек Расадхонаси каби ёдгорликлар, Хожа Дониёл, Имом Мотуридий Хожа Аҳрор Вали, Маҳдуми Аъзам ва бошқа кўплаб зиёртгоҳлар мавжудлиги ҳар бир кишини бу муқаддас замин ҳақида чуқур мулоҳаза билан фикр юритишга чорлайди.

МУАЗЗАМ МАЖМУАНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Ёдгорлик мажмуаси барпо этилганидан кейин йиллар давомида халқимизнинг ҳам, ислом оламининг ҳам, хорижий сайёҳларнинг ҳам муқаддас зиёратгоҳига, табаррук масканига айланди. Зиёратчилар сони ҳам, сайёҳлар сони ҳам бир неча баравар ошди. Фақат шугина эмас, бу масканга Имом ал-Бухорий меросини, ислом маданияти, илм-фанини ўрганиш, уни татқиқ этиш учун келувчилар кўпайди. Буларнинг ҳаммаси ёдгорлик мажмуасини янада кенгайтириш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, уни дунё андозалари асосида қайтадан бунёд этишни ҳаётий заруратга айлантирди.

Президентимиз бу масалага раҳбарлик фаолиятининг дастлабки давридан олоҳида эътибор қаратади. У 2016 йил 18 октябрда Ислам ҳамкорлик ташкилоти ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясида Самарқанддаги Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасида халқаро илмий-тадқиқотлар марказини ташкил этиш ташаббусини ўртага ташлади.

ислом оламидаги энг йирик илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш, учинчидан, туризм салоҳиятини, айниқса, зиёрат сайёҳлик йўналишини кучайтириш асосий мақсад қилиб қўйилди. Мажмуани ана шундай асосларда буюк муҳаддис алломанинг ислом оламида тутган юксак мавқеи, улкан салоҳиятига муносиб тарзда қайтадан бунёд этишга киришилди.

Аввало, ёдгорлик мажмуанинг худуди кенгайтирилди. Умумий майдони 10 гектардан 45 гектарга етказилди. Шунга мувофиқ мажмуанинг ички худуди ҳам кенгайтирилиб, у ерда қайта қурилушлар амалга оширилди. Мажмуадаги иморатлар дастлаб бир қават қилиб барпо этилган бўлса, эндиликда улар икки қават тарзда тикланди. Мажмуага кириш йўлагидаги ва мақбара устидаги, шунингдек, бошқа иншоотлар устидаги жами 14 та гўмбаз олдинги 17 метр баландиқдан 30 метр баландиқкача кўтарилди. Мажмуанинг тўртта бурчагида 75 метрлик тўртта минора қад ростлади. Булар мажмуага алоҳида улуғворлик, маҳобат, гўзаллик бағишлади.

Маълумки, мажмуадаги улуғ аллома мақбарасининг пойи аввал очик айвондан иборат эди. Бу зиёратчилар учун маълум қийинчиликлар тудирарди. Бу ҳолат ҳисобга олиниб, қайта қуриш жараёнида мақбаранинг ён атрофида қишда иссиқ, ёзда салқин бўладиган кенг зал, аёллар ва болалар учун алоҳида хоналар барпо этилди. Мажмуага кириш ва чиқиш йўлақларидаги айвонлардан ташқари яна миллий услубда 154 та устуни мухташам айвон ҳам қурилди.

Яна бир муҳим факт: мажмуадаги аввалдан мавжуд масжид ҳам энига, ҳам бўйига кенгайтирилди, айна пайтда, унинг рўпарасида яна бир янги масжид қад ростлади. Натижада бу зиёратгоҳда аввал 1500 одам исломий фарзни адо қилган бўлса, эндиликда 10 мингга яқин одам бир вақтнинг ўзида намоз ибодатини амалга ошириш имкониятига эга бўлди. Шу билан бирга мажмуа ичида маъмурият биноси, хизмат кўрсатиш корпуси, эркаклар ва аёллар учун алоҳида таҳоратхоналар бунёд этилди. Бу ерда жисмоний имконияти чекланган одамлар ҳаракатланиши учун замонавий шароитлар, махсус нишаб йўлақлари ва бошқа кулайликлар яратилди.

Мажмуа таркибида Имом ал-Бухорий номидаги энг илғор ахборот технологиялари билан жиҳозланган 9 павильондан иборат ноёб инновацион музей ишга туширилди. У ислом оламида "буюк муҳаддис" деб эътироф этилган Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти, илмий мероси, ислом илм-фани, маданиятига қўшган ҳиссасини тўла даражада акс эттиради.

Ёдгорлик мажмуасини қайта қуриш жараёнида у фақат зиёратгоҳгина эмас, балки маърифат масканига ҳам айланиши зарур эди. Шунинг учун мажмуа яқинида Имом ал-Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ҳадисшунослик мактаби барпо этилди. Марказ зиммасига ислом маданияти, умумбашарий цивилизация ривожига катта ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг бой меросини ўрганиш, ёшларда илм-фанга ва таълим олишга интилиш туйғусини кучайтириш, уларга исломий кадриятларни тўғри аниқлаш, динимизнинг ҳақиқий мазмун-моҳиятини етказиш вазифалари юклатилган.

Кейинги йилларда шаҳарда "Анжуманлар маркази", "Қадим ва навқирон Самарқанд" мажмуаси, халқаро аэропорт, вокзал, кўп қаватли янги турар жойлар қад ростладики, булар бунёдкорлик мўъжизаларининг мантиқий давоми бўлди.

Рўйи замин сайқали Самарқанд шаҳри яқинидаги Хартанг қишлоғи буюк ҳадисшунос Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий мангуликка бош қўйган маскан сифатида эътироф этилади. Бу жой асрлар давомида барча авлодлар учун табаррук зиёратгоҳ вазифасини бажариб келган. Бу хусусда тарихда дастлабки маълумотлардан бири XII асрда яшаб ўтган атоқли муаррих Абдулқарим ас-Самъонийнинг "Ал-ансоб" ("Насабнома") асарида берилди.

Имом ал-Бухорийнинг қадимжоси илк даврлардан бошлаб обод, кўркам ва саришта зиёратгоҳга айланган. Тарихий маълумотларга кўра, Амир Темур ва теурийлар даврида Имом ал-Бухорий қабри ҳам, қабристон ҳам янада обод қилинган. Қабр устига буюк муҳаддис ҳаётига оид лавҳа битилган мрамартшо ётқизилган ва чоғроқ хужрадан иборат мақбара тикланган. Мақбара яқинида эса масжид барпо этилган. Бу иншоотлар нафақат теурийлар даврида, ҳатто ундан кейинги хонлик ва амирликлар замонида ҳам сақланиб турган. Халқнинг оёғи бу зиёратгоҳдан узилмаган. Табиийки, зиёратгоҳ ҳам одамлар оёғи узилмайдиган даражада обод ва озода сақланган.


Афсуски, чор Россия мустамлақаси ва, айниқса, собик шўролар ҳукмронлиги даврида юртимиздан етишиб чиққан улуғ алломалардан аксариятининг номлари унутилди, уларнинг тарихи, тақдири билан боғлиқ масканлар, зиёратгоҳлар, қадимжолар эътибордан четда қолди, ёпилди, бузилди. Ана шу даврда Имом ал-Бухорий зиёратгоҳи ҳам ярим вайрона, ташландик ҳолатга тушди. Улуғ аллома мақбараси, унинг яқинидаги хужра темир-терсақлар сақланадиган омборга айлантилди. Мозори зиёрат учун ёпиб қўйилди. Қабристон яқинидаги масжид бузиб юборилди.

ҚАЙТА ТИКЛАНГАН ЗИЁРАТГОҲ

Дунёда башарият учун улуғвор ишларни қилган, юрти, халқи учун ўлмас мерос қолдирган инсонларнинг номлари ҳеч қачон унутилмаслигини ҳаёт ҳамиша исботлаб келган. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин тарихимизни жиддий татқиқ этишга киришилиб, улуғ аждодларимиз, алломаларимиз, миллат фидойилари номлари қайта тиклангани бунинг ёрқин далолатидир. Ана шундай алломалар орасида Имом ал-Бухорий меросига ҳам алоҳида

эътибор қаратилди. Бунинг маълум сабаблари бор эди.

Аввало, юртимизда исломий илм-фаннинг, иймон-эътиқоднинг поклиги учун улуғ ишларни қилиб кетган алломанинг мероси билан халқимизни яқиндан таништириш керак эди. Қолаверса, ер юзида бир ярим миллиардга яқин мусулмонлар учун Куръон Каримдан кейинги ўринда турадиган саҳиҳ ҳадисларни тўплаб кетган улуғ муҳаддиснинг хотирасини эъозлаш, асарларининг бугунги кундаги аҳамиятини намоён этиш, татқиқ



қилиш халқаро миқёсда ҳаётий заруратга айланган.

Ана шундай эзгу ниятларни амалга ошириш учун Имом ал-Бухорий зиёратгоҳини қайта тиклашга ўтган асрнинг 90-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб киришилди. 1997 йилнинг 29 апрелида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг "Имом ал-Бухорий тўғилган куннинг ҳижрий ой тақвими бўйича 1225 йиллигини нишонлаш тўғрисида" қарори қабул қилинди. Ўша йилнинг ноябрь ойида ЮНЕСКО Бош конференцияси ҳам Муҳаммад Исмоил ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллик тантаналарида қатнашиш борасидаги қарорини эълон қилди. Халқаро миқёсдаги бу анжуман муносабати билан Имом ал-Бухорий қабри жойлашган зиёратгоҳда Ўрта Осиёнинг меъморий аъённаларига мувофиқ тарзда ёдгорлик мажмуаси барпо этиш белгиланди.

Ёдгорлик мажмуаси 1998 йил 23 октябрда расман очилди ва буюк муҳаддис таваллудининг ҳижрий тақвими бўйича 1225 йиллиги билан боғлиқ халқаро миқёсдаги тантаналарнинг асосий қисми ана шу ерда ўтказилди. Кейинчалик мажмуа яқинида Имом ал-Бухорий номидаги халқаро марказ барпо этилди ва фаолиятини бошлади. Шу тариха улуғ аллома дафн этилган зиёратгоҳ халқимизнинг яратувчилар, бунёдкорлик қудрати билан юртимиздаги мухташам ёдгорлик мажмуаларидан бирига айланди.

““

БУЛАРНИНГ ҲАММАСИ ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИГА КЕЛУВЧИ ЗИЁРАТЧИЛАР, ИЛМ АҲЛЛАРИ, САЙЁҲЛАР, ХУСУСАН, ЗИЁРАТЧИ САЙЁҲЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИБ БЕРАДИ. ЭЪТИБОР БЕРИНГ, АГАР ИЛГАРИ БУ МАЖМУАДА БИР КУНДА 12 МИНГ ОДАМГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ИМКОНИЯТИ МАВЖУД БЎЛГАН БЎЛСА, ЭНДИЛИҚДА МАЖМУАНИНГ КУНЛИК ХИЗМАТИДАН 65 МИНГ ОДАМ БАҲРАМАНД БЎЛА ОЛАДИ.

Орадан кўп ўтмай, 2017 йилнинг 17 мартида "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом ал-Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди. Бу ташаббусни амалга ошириш йўлидаги ҳаракатнинг бошланши эди.

Давлат раҳбарининг ёдгорлик мажмуасини қайтадан бунёд этиш гоёси асосида бир неча масалалар назарда тутилган. Биринчидан, мажмуани халқаро миқёсдаги ниҳоятда улуғвор зиёратгоҳга айлантириш, иккинчидан, бу ерда

Марказнинг янги биноси тўла даражада замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Бу ерда туриб дунёнинг турли нуқталаридаги хоҳлаган илмий марказ билан боғланиб, ҳамкорлик қилиш имконияти мавжуд. Бино ичида анжуманлар зали ҳам бор.

Юқоридагилардан ташқари, Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси қошида яна бир ташкилот — туризм маркази фаолиятини бошлади. Мажмуага ёндош 15 гектар майдонда замонавий инфратузилма яратилиб, шинам меҳмонхоналар, хизмат кўрсатиш ва сервис масканлари барпо этилди. Ишлаб чиқилган режага кўра қайта бунёд қилинган мажмуа олдида салкам бир километрлик хиёбон яратилди.

Хиёбон бўйлаб меҳмонхона, оилавий меҳмон уйлари қурилди. Хиёбон билан мажмуа оралиғида атрофга салқин ҳаво таратувчи фаворали ҳовуз барпо қилинди. Савдо шохобчалари, ресторани, болалар ўйин майдончаси, минибанк ва бошқа инфратузилмалар бунёд этилди. Худуд ободонлаштирилди, кўкаламзор майдонлар яратилди. Буларнинг ҳаммаси Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасига келувчи зиёратчилар, илм ахллари, сайёҳлар, хусусан, зиёратчи сайёҳлар учун кенг имкониятлар яратиб беради. Эътибор беринг, агар илгари бу мажмуада бир кунда 12 минг одамга хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд бўлган бўлса, эндиликда мажмуанинг кунлик хизматидан 65 минг одам баҳраманд бўла олади.

Бу ёдгорлик мажмуаси ана шундай тарзда, беқиёс бунёдкорликлар эвазига қайтадан барпо этилди. Шунинг учун давлатимиз раҳбари бу ерда амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталиб, "Эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан бугун орзу-ниятларимиз рўёбга чиқди. Бу бетакрор зиёратгоҳни Имом Бухорий бобомизнинг оламшумул мавқеига, юксак макомига муносиб даражада бунёд этишга муяссар бўлдик. Ушбу бетакрор қурилиш Янги Ўзбекистоннинг улкан имкониятларини яққол намоён этади. Зиёратгоҳ халқимиз учун, жаҳондаги барча мусулмонлар учун эзгулик ва маърифат нурини таратадиган қутлуғ масканга айланади, деб ишонман", дея юксак баҳо берди.

Ҳақиқатан ҳам, бу ерда амалга оширилган беқиёс бунёдкорликлар кичик ҳажмдаги ёдгорлик мажмуасини улуғвор зиёрат шаҳарчасига айлантирди. Самарқанд заминида яна бир мўъжизавий дурдона яратилди. Бу дурдона бағридан тараладиган маърифат ёғдуси нафақат юртимизни, балки ислом оламини ҳам абадиятга нурлантириб туради.

**Камол МАТЁҚУБОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.**

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ФАЗОГИРИГА ҚАНДАЙ ТАЛАБЛАР ҚЎЙИЛАДИ?



Космик соҳани ривожлантириш нафақат янги технологияларни жорий этиш, балки Янги Ўзбекистоннинг интеллектуал, инновацион ва рақамли келажагини барпо этиш йўлидаги стратегик қадамлардан бири ҳисобланади.

Соҳада 2025 йилда қабул қилинган "Космик фаолият тўғрисида"ги қонун ҳамда аэрокосмик маълумотлардан фойдаланишни кенгайтиришга қаратилган Президент фармони муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Бу ҳақда "Ўзбеккосмос" агентлиги томонидан "Космик тадқиқотлар йўналишида амалга оширилаётган ишлар" мавзуда ўтказилган матбуот анжуманида сўз юритилди.

Хусусан, "Космик фаолият тўғрисида"ги қонунда космик фаолият соҳасидаги стратегик йўналишлар ҳамда давлат дастурларига ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, иқтисодиёт тармоқларидаги қонунбузилишни ҳолатларини космик суратларга ишлов бериш орқали аниқлашга кўмаклашиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири эканлиги назарда тутилган. Президентимиз фармони эса космик технологияларни бевосита иқтисодиёт тармоқларига татбиқ этишга қаратилган стратегик ҳужжат ҳисобланади. Унда аэрокосмик маълумотлардан фойдаланишни кенгайтириш, айнқисса, қишлоқ хўжалигида бошқарув тизимини такомиллаштириш асосий йўналиш сифатида белгиланган.

– Бугунги кунда космик технологиялар атроф-муҳит муҳофазаси, қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда, – дейди "Ўзбеккосмос" агентлиги директори ўринбосари

Мухиддин Ибрагимов. – Агентлигимиз томонидан жорий этилаётган замонавий космик мониторинг тизимлари орқали экология, геология, қишлоқ хўжалиги, ер муносабатлари, сув хўжалиги ва ўрмон хўжалиги каби соҳаларда самарали лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жумладан, қишлоқ хўжалиги ерларида ҳосил йиғиб олинган кейинги қолдиқларни ёқиш ҳолатларини аниқлаш бўйича сунъий йўлдош маълумотларига асосланган мониторинг тизими ишлаб чиқилган. Ушбу тизим ёнғинларни узлуксиз кузатиш, тезкор аниқлаш ва тегишли ташкилотларга маълумот узатиш имконини бермоқда.

Шунингдек, дарахт кесилишини назорат қилиш бўйича ҳам махсус платформа йўлга қўйилди. Ушбу тизим шаҳар ва аҳоли яшаш ҳудудларидаги яшил майдонларни кунлик мониторинг қилишда қўл келмоқда. Космик тасвирлар ёрдамида яшил ҳудудлар рақамлаштирилиб, дарахтлар кесилиши ёки яшил майдонлар қисқариши ҳолатлари тезкор аниқланаяпти. Бу эса ноқонуний дарахт кесилишига қарши курашиш, экологик барқарорликни таъминлаш ва яшил ҳудудларни сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари, сув ресурсларини барқарор бошқариш йўналишида ҳам илғор ечимлар жорий қилинаяпти.

Матбуот анжуманида халқаро ҳамкорлик масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, Ўзбекистон 2028 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган "Халқаро астронавтика конгресси – IAC 2028"га мезбонлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритгани мамлакат космик соҳаси учун тарихий ютуқ сифатида баҳоланди.

Маълумот ўрнида яна шунини айтиш мумкин, Хитой миллий аэрокосмик администрацияси (CNSA), Корея аэрокосмик администрацияси (KASA) ва

"Star.Vision" (Хитой) компанияси билан англашув меморандумлари имзоланди. Шу билан бирга, космик таълим йўналишида Хитой Фанлар академияси ҳузуридаги Аэрокосмик ахборот тадқиқот институти, Кюшу технология институти (Япония), Турин политехника университети (Италия), Токио университети (Япония) билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

– "Ўзбеккосмос" агентлиги ва "Star.Vision" компанияси ўртасида имзоланган меморандумга мувофиқ, Хитой томонидан фазога учрилиши режалаштирилаётган гиперспектрал сунъий йўлдошга "Самарқанд-2028" номи берилди, – дейди Мухиддин Ибрагимов. – Ерни масофавий зондайдиган бу йўлдош учун "Ўзбеккосмос" мутахассислари сунъий интеллект модулини ишлаб чиқади. Сунъий йўлдош оладиган суратлардан ҳаво сифатини бирламчи баҳолаш, қишлоқ хўжалиги экинлари ва ўрмонларни мониторинг қилишда фойдаланилади. Мазкур сунъий йўлдошга "Самарқанд-2028" номи берилиши 2028 йил Самарқандда ўтказиладиган Халқаро астронавтика конгрессининг рамзий маъносини ифодалайди.

Анжуманда ёшларни космик соҳага жалб этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Бундан ташқари, анжуманда илк миллий фазогирни қисқа муддатга – 10-14 кунлик парвозга тайёрлаш мақсад қилинган, бундай парвозларни ташкил этиш бўйича халқаро ҳамкорлик истиқболлари кўриб чиқилаётгани ҳақида ахборот берилди.

Маълумот учун, космонавт станцияда яшайди ва жамоанинг бир қисми бўлади. Энг асосийси – илмий дастурлар. Фанлар академияси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва тегишли ОТМлар билан илмий экспериментлар ўтказиш бўйича музокара олиб борилмоқда.

Қайд этилишича, бўлажак ўзбек фазогирининг ёши 27-40 атрофида, бўйи 160-190 см, вазни 50-96 кг бўлиши, олий маълумотли ва хоржий тилларни билиши шарт. Учувчининг жинси аҳамиятсиз – эркаклар ҳам, аёллар ҳам ўқиши мумкин. Шунингдек, номзодлар саралаш жараёнида тиббий кўрик, психологик ва психофизиологик тестлар, интеллектуал кўникмаларни баҳолаш, жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш каби текширувлардан ўтади.

Синовлардан ўтган космонавт АҚШ, Россия ёки Хитойга тайёргарлик учун юборилади. Бу ўртача олти ойдан тўққиз ойгача вақт талаб қилади. Илк ўзбек космонавти "Самарқанд-2028" конгрессига фазога учиб, Ерга қайтиб келиши режалаштирилган.

Тоттемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

СПОРТ

ГИМНАСТИКА:

ЖАҲОН КУБОГИ ПОЙТАХТИМИЗДА БЎЛИБ ЎТАДИ

21-24 май кунлари спорт гимнастикаси бўйича жаҳон кубоги Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади. Мазкур мусобақада Арманистон, Бельгия, Болгария, Чехия, Грузия, Хиндистон, Иордания, Исландия, Қатар, Қозоғистон, Латвия, Мўғулистон, Швейцария, Сурия, Туркия, Венгрия, Вьетнам, Хорватия ва Ўзбекистон спортчилари ғолиблик учун баҳс олиб боради.

Спорт вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси, Гимнастика федерацияси ҳамда "Узавтосаноат" АЖ томонидан ташкил этилаётган ушбу жаҳон кубоги босқичида эркаклар терма жамоаси таркибида Асадбек Азамов, Хумоюн Исломов, Мансур Раҳматов, Ахрорхон Темирхонов, Озотилла Абдурасулов ва Алишер Бойсаров иштирок этади. Шунингдек, аёллар терма жамоаси таркибидан спорт гимнастикаси афсонаси Оксана Чусовитина, Солиҳа Турсунбоева, Дилдора Арипова ва Шахинабону Юсуфова ўрин олган.

ФУТБОЛ:

ЭЛДОР ШОМУРОДОВ – МАВСУМНИНГ ЭНГ ЯХШИ ТЎПУРАРИ

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва "Истанбул Башакшеҳир" ҳужумчиси Элдор Шомуродов Туркия суперлигаси 2025/2026 мавсумининг энг яхши тўпурари бўлди. Бу борада у нигериялик Пол Онуачу, бразилиялик



Андерсон Талиска, гвинеялик Муҳаммад Баёни каби машҳур ҳужумчиларни ортда қолдириди.

Мавсум якунларига кўра, Элдор Шомуродов 34 та учрашувда 22 та гол уриб, энг яхши тўпура деган шарафли унвонни қўлга киритди. Бу натижа нафақат унинг индивидуал маҳорати, балки бутун мавсум давомида намоён этган барқарор ўйинининг ҳам самараси бўлди. Айнқисса, ҳужумчимиз чемпионатнинг ҳал қилувчи баҳсида юқори спорт формасига чиққанини статистика ҳам тасдиқлайди – у сўнгги олти учрашувда олти бор рақиблар дарвозасига гол урган.

Маълумот учун, Ўзбекистонлик ҳужумчи «Истанбул Башакшеҳир»га 2025 йил эзида Италиянинг «Рома» клубидан ўтганди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

ЙИГИРМА ЙИЛЛИК РЕКОРД ЯНГИЛАНДИ



Пойтахтимиздаги "Олимпия шаҳарчаси"да енгил атлетика бўйича Марказий Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

Эътиборли жиҳати, мазкур чемпионатда U16 ёш тоифасида Навоий шаҳар спорт мактаби спортчиси Одилбек Ҳамдамов энг юқори натижани қайд

этиб, йигирма йиллик рекордни янгилашга эришди.

Марказий Осиё мамлакатларининг энг маҳоратли енгил атлетикачилари қатнашган шиддатли баҳсларда Одилбек Ҳамдамов 400 метр масофага югуришда 50,87 сония натижа кўрсатиб, U16 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида Ўзбекистон рекордини ўрнатди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон терма жамоаси 19 та олтин, 24 та кумуш ва 20 та бронза медалига эга чиққан ҳолда Марказий Осиё чемпионатида 1-ўринни эгаллади.

Интернет материаллари асосида
Тоттемир МУРОД тайёрлади.

ЭЪЛОН

ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёкор кўчаси 50-А уйда жойлашган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг 1000 кв.м.лик ҳовли қисмини асфальтлаш ишлари бўйича тендер эълон қилади.

Алоқа учун: (71) 276-97-21, (95) 140-61-11.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ БЎШ (ВАКАНТ) ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

"Миллий қўшиқчилик" кафедрасига профессор (1), катта ўқувчи (1), ўқитувчи (1). "Эстрада ва оммавий томошалар санъати" кафедрасига доцент (1). "Санъатшунослик ва маданиятшунослик" кафедрасига профессор (1). "Фольклор ва этнография" кафедрасига доцент (1), катта ўқитувчи (1). "Саҳна нутқи" кафедрасига профессор (1), доцент (1). "Саҳна ҳаракати ва жисмоний маданият" кафедрасига доцент (1). "Ижтимоий-гуманитар фанлар" кафедрасига доцент (1). "Чолғу ижрочилиги" кафедрасига профессор (1). "Овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати" кафедрасига ўқитувчи (1). "Кутубхона-ахборот фаолияти" кафедрасига доцент (1). "Ўзбек ва жаҳон филологияси" кафедрасига доцент (1), ўқитувчи (1).



ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУҶЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:

1. Ректор номига ариза.
2. Ишловчининг шахсий варақаси.
3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари.
4. Паспорт ёки ID нусхаси.
5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда).
6. Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

7. Меҳнат дафтарчасининг нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: 100164, Тошкент ш., Яланғоч даҳаси, 127-А" уй. Телефонлар: 71-230-28-02, 71-230-28-11

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИГА!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши қуйидаги техник воситаларни харид қилиш бўйича танлов эълон қилади:
– 30 дона моноблок 24 / FHD IPS / H610 / Intel Core i3-12100 / 8GB DDR5 / SSD 512 GB NVMe / микрофонли веб-камера / Wi-Fi 5 / Bluetooth / клавиатура ва сичқонча;
– 15 дона принтер МФУ Canon MF3010;

– 3 дона ноутбук 15,3-16/Intel Core i7-13620H/ DDR5 16GB/ SSD 512GB/ Intel® UHD Graphics/ Windows 11/RU.

Тижорат таклифлари

2026 йил 3 июнь кунига қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади: 100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5/3.

Изоҳ: танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар амалга ошириладиган хизматлар бўйича қўшимча маълумотларни (71) 239-19-73 телефон рақами орқали олишлари мумкин.

МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

O'zbekiston Ovozi

ТАНРИН НАҲ'АТИ:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

Г — 537. 4005 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 21:30

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda